

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ РЕКРЕАЦИЯ
РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ
(Монография)

САМАРҚАНД -2016

УДК: 338:91:796.54
ББК 60.55

Р-39: Самарқанд вилоятининг рекреация ресурслари ва улардан фойдаланишни географик жиҳатлари. –Самарқанд: СамДЧТИ, 2016, __бет.

Муаллиф томонидан тайёрланган ушбу монография рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг географик жиҳатларини баҳолаш масалаларига бағишланган. Унда рекреация географиясининг назарий ва амалий асослари, Самарқанд вилоятининг рекреация ресурслари ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати, вилоятнинг рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммо ва истиқболлари ёритилган. Шунингдек, монографияда минтақанинг рекреация ва туристик ресурсларини карталаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

Монографиядан географлар, иқтисодчилар, туризм билан шуғулланадиган мутахассислар, магистрант, ўқитувчи ва илмий тадқиқотчилар фойдаланиш мумкин.

УДК: 338:91:796.54
ББК 60.55

Муаллиф: Х.Т. Назаров

Масъулмуҳаррир:

Л.Алибеков- география фанларидоктори, профессор

Такризчилар:

А. Раҳматуллаев -СамДУ Гидрометеорология кафедраси доценти

Н.Ибодуллаев-СамИСИ Халқаро туризм ва туризм сервиси кафедраси доценти

Самарқанд давлатуниверситети Илмий-Кенгашининг қарори билан чоп этилди (2016 йил 7 июлдаги 11-сонли баённома).

© Самарқанд давлат чет тиллари институти, 2016.

Кириш

Мамлакатимизда соғломлаштириш, дам олиш ва туристик масканларни ижтимоий-географик жиҳатдан ўрганиш асосида ҳудудларни рекреация, сайёҳлик ресурсларидан соғлиқни тиклаш мақсадида фойдаланиш маънавий етук баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил саналади.

Рекреация ресурсларни халқ хўжалигида ривожлантириш ижтимоий иқтисодий талабларга жавоб берадиган замонавий маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, замон талабига жавоб берадиган даволаниш ва дам олиш уйлари, савдо, ресторанлар ва бошқа объектларни қуриш Самарқанд вилоятини рекреация-туристик салоҳиятини юксалтиришда қулай ижтимоий шароит яратади. Бундай объектларни барпо этишда ҳудудларнинг рекреация ресурсларини иқтисодий ва ижтимоий баҳолаш ва имкониятларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Бинобарин, ушбу имкониятларни эътиборга олган ҳолда минтақаларда кемпинглар, туристик базалар, меҳмонхоналар, санаториялар, хизмат кўрсатиш соҳалари, тоғ этакларида сунъий ўрмонзорлар барпо этиш, сайёҳларга манзарали ўрмонлар ва табиат манзараларини кўрсатиш учун ижтимоий шароитлар яратишни тақозо этади.

Дам олиш ва соғломлаштириш масканлари фаолиятини ташкил қилиш ҳудуднинг табиий ва иқтисодий шароити билан, айниқса, ҳудуднинг географик жойлашуви билан муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Туркия давлатининг географик ўрни, яъни унинг Европа, Осиё, Африка билан туташ ҳудудига жойлашганлиги унда бу фаолиятнинг ривожланишида бош омил бўлган. Шунингдек, мамлакатларнинг табиий шароити, тарихий, этнографик ва маданий ўрни ҳам бунда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, бу ҳудудларда дам олиш уйлари, соғломлаштириш масканлари, спорт оромгоҳлари, саноат, транспорт, савдо ва алоқа муассасаларининг ривожланиши рекреация фаолияти турларининг ривожланишида асос бўлади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам жаҳон рекреантларининг диққатини ўзига жалб этган манзилгоҳлари кўп. Осиё “Швейцарияси” номини олган Ғарбий Тяншан, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмалари худди шундай манзилгоҳлардан бири ҳисобланади.

Зарафшон минтақаси ўзининг соғломлаштириш ва дам олиш, туризмни ташкил этиш имкониятлари жиҳатидан нафақат Ўзбекистонда, балки, Марказий Осиёда етакчи рекреация, туристик минтақалардан биридир. Ҳудудда рекреация ва туризмнинг кўплаб турлари, хусусан тарихий, архитектура ва археологик обидалар, тарихий рекреация мақсадлари, диний қадамжолар ҳамда ўзига хос маданий-этнографик анъаналари минтақа туризм хазинаси ҳисобланади. Аммо ҳозирги кунга қадар минтақанинг аксарият

туманларидаги рекреация имкониятлардан фойдаланилмаяпти. Бунинг учун минтақада рекреация географиясини кенг кўламли тадқиқ этиш, ҳамда аниқ мезонларни ишлаб чиқишни тақозо этади.

Ана шу нуқтаи назардан Самарқанд вилоятининг рекреация ва туристик картаси ўз ўлкасини ҳар томонлама чуқур ўрганишда фойдаланадиган катта билим манбаидир. Қолаверса, уни тараққий эттиришга етарли шарт-шароит мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, рекреация-туристик ресурсларнинг барча турларини йўлга қўйиш орқали аҳолининг жисмоний, маънавий соғлом бўлишига, ижтимоий аҳволни яхшилашга эришиш мумкин. Асосий мақсад минтақада дам олиш ва соғломлаштириш ҳамда рекреация-туристик объектларини ўрганиш, баҳолаш, рекреацион ресурсларни янада ривожлантириш ҳамда ҳудудий ташкил этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, туманлар кесимида сайёҳлик-рекреацион ҳудудларни карталаштириш ва маршрутлар йўналишларини ишлаб чиқишдан иборат.

I Боб. РЕКРЕАЦИЯ ГЕОГРАФИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Рекреация географиясининг объекти ва предмети, унинг ижтимоий география фанида тутган ўрни

Жамиятнинг ривожланишини турли хил фанлар ва уларнинг ютуқларисиз тасаввур этиш қийин. Шу нуқтаи назардан фанлар тизимида география фани ҳам ўз мавқеига эга ва унинг тараққиётида кўплаб янги-янги тадқиқот ва изланишлар бўлиши табиий. Айниқса, замонавий география фанлари тизимида ижтимоий соҳаларга эътибор кучаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий географиянинг ўзига хос соҳаларидан бири бўлган рекреация географияси олдида янгидан-янги муаммоларни қўймоқда. Тиббиёт географиясининг ҳозирги тараққиёт босқичига келиб, рекреация географиясининг мазмуни ва моҳияти сезиларли даражада кенгайиб бормоқда. Тиббий билимларнинг ҳамда инсонларнинг соғлигини тиклашда омилларнинг ролини ўрганиш натижасида уларни назарий, методологик, амалий жиҳатларини очиб берувчи янги истиқболли йўналишлари пайдо бўлади.

Ҳозирги замонда тиббиёт фанининг ривожланиши уларга айрим тармоқларнинг ихтисослашуви, дифференциалланиши ва интеграцияси билан характерланади. Айниқса, бундай йўналишлар географик ва рекреация билимларининг тараққий этишида катта аҳамият касб этади. Чунки, инсон ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни, турли касалликларнинг келиб чиқишида табиий компонентларнинг ролини аниқлаш ва касалликларни даволашдаги ролини аниқлашда ҳамда рекреация мақсадларда табиий омиллардан фойдаланиш каби масалаларни ёритиш анча қийинчилик туғдирди.

Рекреация географияси XX асрнинг иккинчи ярмидан 60-йиллардан кейин ривожлана бошлади. Мазкур фаннинг ривожланишида В.С.Переображенский, А.А.Минц, П.Г.Царфис, И.П.Герасимов, А.А.Шошина, А.П.Авцин, А.Д.Лебедев ва бошқаларнинг хизматлари катта.

Худудий рекреацион тизимлар, турли хил рекреацион тизимларнинг шаклланиши, ривожланиши ва тарқалиши рекреацион географиянинг ўрганиш объекти бўлиб ҳисобланади (Переображенский, 1975). Рекреация туризмнинг муҳим асосини ташкил этиб, инсоннинг жисмоний, психологик интеллектуал кучи ва қувватининг катта ишлаб чиқариш жараёнига айланди. Рекреация фаолияти билан боғлиқ тадқиқотлар замонавий фан тизимининг янги, яъни ёш йўналишларидан биридир.

1963-1975 йилларда ҳозирги Россия Фанлар Академияси география институти мутахассислар жамоаси (В.С.Преображенский, Ю.А.Веденин, И.В.Зорин, В.Н.Лехонов,

Л.И. Мухина, Л.С.Филиппович ва бошқалар) томонидан “Рекреацион географиянинг назарий асослари” номли монография тайёрланди ва бу монография кейинги шу каби тадқиқотлар учун асос сифатида хизмат қилди.

Олимлар 15-20 йил мобайнида бундай масалаларни ечиб берадиган кўплаб илмий асарлар яратганлар. Жумладан, А.А. Шошинанинг «Тиббий география асослари» (1962) ва «Тиббий-географик тадқиқотлар методлари» (1965), «Тропик мамлакатлар тиббий географияси» (Вопросы географии. Сб.68) (1965), А.Г.Воронованинг «Биогеография» (1963), Д. Стампининг «Ҳаёт ва ўлим географияси» (1967) китобининг инглизча таржимаси, «Дам олиш ва туризмни ташкил этишнинг географик муаммолари бўйича тезис- докладлар» (1969), В.С.Преображенскийнинг «Рекреацион географиянинг назарий асослари» (1975), Н.А.Данилованинг «Табиат ва бизнинг соғлиғимиз» (1977) номли китоблари, А.П. Авцинанинг (1972, 1974) турли географик районларда инсон патологияси бўйича, В.П. Казначееванинг (1974) инсон адаптацияси тадқиқотларида табиий географиянинг ролини аниқлаш бўйича, А.Д.Лебедеванинг (1965) тиббий (тиббийёт) географияси асослари бўйича илмий асосланган қизиқарли ишлар чоп этилди (Царфис П., 1979).

Р. Абдумаликовнинг фикрича, туризм-сайёҳат пайтида «тур» (белги) ўрганиш деган маънони билдириб, тоғ, адирлар ва узок масофаларга сайёҳат қилиш, охирги манзилга белги қўйиб келиш ёки чўққига чиққанликни билдириш учун бирон белги қўйишни англатади, деб таърифлайди (Абдумаликов, 1978). Бу фикр кўпроқ мактаб ўлкашунослиги ва туризми билан боғлиқдир. Баъзи олимлар фикрича, туризм ўзининг умумий хусусиятлари ва функцияларига кўра уч типга ажратилди; 1. Даволаниш, 2. Соғлиқни тиклаш-спорт 3. Танишув туризми (Ердавлетов, 2000). Бизнинг фикримизча, юқоридаги типологик функцияларни ҳисобга олган ҳолда туризмни соғломлаштириш ва спорт, танишув, диний, касбий ва бошқа турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Дмитриевский булардан ташқари, илмий, экскурсион, фестивал, хизмат, қишлоқ туризмларини ҳам белгилаган (Дмитриевский, 2000).

Аҳолининг бир ҳудуддан иккинчи ҳудудга кўчиб ўтиши (миграцияси) билан боғлиқ бўлган инсоннинг адаптациясини (мослашувини) ўрганишда рекреация географиясининг роли маълум даражада ошди. Рекреация географиясининг аҳамияти айниқса, инсон мослашувининг моҳиятини очиқ беришда, янги шароитга мослашувида, унинг механизмларининг шаклланишида, мавсумий ва суткалик ролини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

Тиббий-биологик нуқтаи назардан, рекреация географияси организмнинг жисмоний ва рухий функциясини тиклашга қаратилган. Бу мақсадда функционал ва шамоллаш

касалликлари бўлган кишиларнинг даволаниш ва дам олишини тўғри ташкил этишда энг зарурий физик-кимёвий ва даволовчи хусусиятларга эга тиббий омиллардан фойдаланилади.

П.Г. Царфис фикрича, рекреация географиясининг зиммасида, энг аввало, қуйидаги масалаларни ечиш ётади: чарчоқнинг моҳиятини очиб бериш, турли касалликлар ривожланишининг механизмини ечиш ҳамда ҳудудий рекреацион тизимлар (ХРТ) ва кишининг дам олиши ва давланиши учун бундай рекреацион тизимдан тўғри фойдаланиш истиқболларини ишлаб чиқиш масалалари ётади. Турли касалликларга чалинган беморларнинг дам олишини ташкил этишда асосий вазифа табиат компонентлари, яъни иқлимий шароит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, жойнинг рельефи ва эстетик хусусиятлари, минерал шифобахш сувлар, даволаш хусусиятига эга бўлган балчик, лойқа ва иқлимий омилларнинг роли каттадир. Шундай қилиб, рекреация фаолиятига инсон билан табиий компонентлар ўртасидаги ўзаро мураккаб алоқадорликни, жараёнларни ўрганишни киритиш мумкин. Бундай мураккаб алоқадорликнинг моҳиятини англамоқ учун, энг аввало, тиббий-биологик, шу жумладан курортология, физиология, психология, шу билан бирга социал-иқтисодий, техник, бальнео-техник, гидрология ва бошқа фан соҳаларида кенг фойдаланиш мумкин.

Бугунги кунгача Ўзбекистонда рекреация ресурсларини географик жиҳатдан комплекс таҳлилига асосланиб ўрганиш билан шуғулланаётган мутахассислар илмий тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бу соҳадаги илмий тадқиқотлар Г. Зокиров (1990), А.Юсупов (1995), Р.Усмоновалар (2001) ишларида ёритилган.

Б.Зиямухамедов (1983) рекреация ресурсларига баҳо беришни ва уларни аниқлашни уч босқичга ажратади. Яъни, рекреация ресурслари мезонини ишлаб чиқиш, баҳолаш жадвалини тузиб чиқиш, ресурслар қийматига қараб ҳудудларни чегаралаш деб баҳо берган эди.

Инсоннинг хўжалик фаолияти табиатдаги мавжуд ресурслар билан боғлиқдир. Ресурс тушунчаси кенг қамровли бўлиб, инсон улардан турли мақсадларда фойдаланиб келмоқда. Инсон фаолиятида муҳим роль ўйновчи ресурслардан бири бу рекреация ресурслари ҳисобланади. Инсоннинг рекреация фаолияти: дам олиш, ҳордиқ чиқариш, соғломлаштириш, завқланиб руҳни кўтаришга қаратилган фаолият мажмуасини ўз ичига олади. Бундай ресурслар икки хил бўлиб, биринчиси, инсон томонидан яратилган, яъни антропоген рекреация ресурслар ва иккинчиси табиат томонидан инсонга инъом этилган табиий ҳолдаги хушманзара масканлар, инсонга эстетик завқ берувчи жойлар қиради.

Рекреация сўзи полякча «rekratio» - «дам олиш», лотинча эса «rekreasio» -«соғлиқни тиклаш» маъноларини англатади. Рекреация инсоннинг рекреация фаолиятини оқилона

ташкил этиш ва фойдаланиш, рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш йўллари татқиқ қилади. Ҳар бир ҳудуд ўзига хос рекреация ресурслари тизимига эга. Инсон бўш пайтларида рекреация ресурсларидан тўғри фойдаланса ўз соғлиғини тиклайди ва ўз навбатида рекреация соҳасининг ривожланишига хисса қўшади. Маълумки, бир давлатда иқтисодий фаол меҳнат ресурслари унинг асосий бойлиги ҳисобланади. Шу туфайли ҳам унинг соғлиғини асраш давлатнинг куч-қудратли бўлишида етакчи омил ҳисобланади.

Инсон ҳаёти, турмуш тарзи яхшиланиб бориши оқибатида соғлиғини тиклашга эҳтиёжини янада оширади. Инсон ўз умрининг 1/4 дан 1/3 гача бўлган қисмини ташкил этувчи бўш вақтида дам олади, соғлиғини тиклайди ва турли жойларга сайёҳат қилиб чинакам руҳий-маънавий озуқа олади. Ер шари аҳолиси сонининг ортиб бориши, ишлаб чиқариш суръатларининг ривожланиши рекреация ресурсларини иқтисодиётдаги ўрнини тобора кучайтириб бормоқда. Чунки, урбанизациянинг ривожланиши, шаҳарча турмуш тарзининг ортиши, ҳатто қишлоқларда ҳам шаҳарча турмуш тарзининг кенгайиши кишиларнинг умумий психологик ва физиологик зўриқишига, шовқин-суроннинг ортиши, транспорт чарчоқлиги ва бошқа ноқулайликларнинг кучайиб боришига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳам, кенг миқёсда дам олиш, сайр-сайёҳат қилишга бўлган эҳтиёж кучайиб боради.

Шаҳарликлар учун шаҳар ташвишларидан бир нафас халос бўлиш ҳаётий заруриятга айланмоқда. Бу жараён урбанизацияни ривожланиши, шаҳар аҳолиси сонининг тўхтовсиз ортиб бориши, шаҳарча ҳаёт тарзининг кучайиши билан янада кескинлашмоқда.

Бир қатор мамлакатларда катта-катта ҳудудлар рекреация манба сифатида шаклланди. Айниқса, Франция, Италиянинг Ўрта Ер денгиз соҳил бўйи минтақаси, Қора денгиз соҳиллари, тоғли ва тоғ олди ва бошқа минтақалар рекреация мақсадларда фойдаланилмоқда. Шунингдек, Япония, Жануби-Шарқий Осиё, Лотин Америкаси, Африка, Марказий Осиё, Европа, Шимолий Кавказ, Кавказорти давлатлари, Карпат тоғ тизмаси, Альп тоғлари ҳудудларида ўзига хос ҳордиқ чиқариш масканларидан иборат минтақалар шаклланган.

Бугунги кунда хорижга шифобахш курортлар ва санаторийларга бораётган кишилар сони бошқа туризм турлари бўйича бораётганларга нисбатан анчагина кам. Аммо даволаш-соғломлаштириш туристик сафарларининг суръати ўсиб бораётганлиги ҳисобга олинадиган бўлса, дунё бозорида унинг истиқболлари катта эканлиги кўзга ташланади.

Минерал сувлар, балчиқ, лой ва иқлимий хусусиятларини ўрганиш ва улардан даволаш ҳамда профилактика мақсадида фойдаланишни ўрганадиган тиббиёт тармоғи - курортология дейилади. Санатория ва курортларни ҳудудлар бўйича ўрганишда рус ва дунё олимларининг хизмати катта бўлган. Жумладан, Е.М.Байбакова, Г.А.Невраев ва

А.А.Чубуков (1963), Е.М. Ильичева (1963), Н.К.Калитин (1947), А.Мейер (1952), Г.А.Невраев ва Е.П.Маслов (1966) каби олимлар илмий изланишлар олиб боришган (Котляров, 1978).

Курортларда даволаниш XVIII асрда Чехияда «Карловы Вары» курортида минерал сувлардан даволаниш мақсадида шаклланган. XIX асрда эса Россиянинг Шимолий Кавказ регионларида (Железногорск, Пятигорск, Ессентуки) бальнеологик курортлар ривожланган (Глушко А., 2003). Лекин Россиядаги энг катта минерал сувлар Кавказ минерал сувлари ҳисобланади. XIX аср ўрталарида Россиянинг айрим ҳудудлари, яъни Крим ва Кавказ: Сочи, Ялта ва Евпаторияда иқлимий курортлар ривожланди. Даволаш сафари бўйича биринчи таклиф Россия туризм бозорида тахминан, биргина Москва шаҳрида 40 тадан ортиқ турфирмалар даволаш туризмига ихтисослашган. Шу сабабли ушбу курортларнинг асосий функциялари бальнеологик, иқлимий ва балчикли даволанишга ихтисослашган. Бальнеологик курортда бош даволаш омили сифатида табиий маъданли сувлардан фойдаланилади. Улар ванна қабул қилиш, ички истеъмол (ичиш ва бошқалар) қилишга тавсия этилади. Маъданли сувлар жуда кўп хасталиклардан даволанишга ёрдам беради. Бальнеологик курортларга келаётганлар орасида ошқозон-ичак, юрак-қон томирлари, асаб тизими ва таянч-ҳаракат аппаратлари касалликларига чалинган кишилар кўп учрайди. Ўтказилган тиббий тадқиқотлар бальнеологик курортлар бир неча хил касалликларни даволашда самарали эканлигини кўрсатади. Улар оддий дори-дармонлар таъсирига тенг натижалар беради.

Курортларнинг бошқа типи - балчик билан даволаш шифобахш балчик (пелиодлар) жойлари билан боғлиқ. Балчик билан даволаш бўғинлар патологияси, асаб тизими жароҳати, шунингдек, гинекологик ва бошқа айрим касалликларни даволашда қўлланилади. Балчик билан даволашнинг замонавий усуллари ва илғор технологиялари туфайли тиббий самарадорликка эришиляпти.

Иқлимий курортлар ҳам иқлимнинг ўзи сингари хилма-хилдир. Ўрмон, яланглик, тоғ, денгиз бўйи, иқлим-қимиз-даво каби ноёб иқлим – об-ҳаво омиллари (ҳарорат, атмосфера босими, қуёш нурланиши ва ҳ.к.) бебаҳо шифодир. Улардан даволаш-профилактика мақсадларида кенг фойдаланилади. Бу омиллар уйғунлигига қараб курорт ихтисоси белгиланади. Агар ўрмон курортлари континентал иқлим билан боғлиқ юқори нафас йўллари касалликларидан азоб чекаётганларни қабул қилса (астма, асаб тизими бузилиши), тоғ курортлари камқонлик ва туберкулёз касаллиги бошланишида тавсия этилади.

Иқлим курортларининг кўпроқ тарқалган типи - денгиз бўйлари дир. Тобора кўпроқ туристлар дам олишни даволаниш билан денгизда ўтказишни маъқул кўришяпти. Денгиз

иқлими жуда кўп хасталиклардан халос бўлишга имкон беради. У қон, лимфа безлари, суяк ҳужайралари каби хасталикларга чалинган кишиларга шифо бахш этади. Даволаш курси якунлангач, улар ўзларини тетик ҳис қиладилар, узоқ вақт дори-дармонларга эҳтиёж сезмайдилар. Иқлим курортларининг яна бир хил кўриниши – курорт – кимиз – даволаш. Бундай курортларда даволаш бия сути, қуруқ чўл иқлими билан қўшиб олиб борилади. Улар чўл зоналарида жойлашган, қуруқ чўл ҳавоси, ўт-ғиёҳлар муаттар бўйлари, шифобахш кимиз кабилар инсон саломатлиги учун фойдалидир. Дунёда иқлим-кимиз-даволаш курортларининг умумий сони 40 тага яқин. Уларнинг ярмидан кўп қисми Россияда, шунингдек, Қозоғистон, Туркменистон ва Қирғизистонда, қолаверса Ўзбекистоннинг Бахмал, Бойсун, Омонқўтон, Оҳалик, Чортоқ, Чимён ва бошқа рекреация ҳудудларида мавжуд.

Рекреация географиясининг олдида инсонларнинг даволаниши ва дам олишида ҳар хил касалликларнинг ривожланиш механизмлари, улардан самарали фойдаланиш йўллари ишлаб чиқиш ва кўрсатишдек мураккаб вазифалар турибди. Бу соҳанинг назарий асосларини кенгайтириш, амалий вазифаларни ҳал этишда илмий ва методологик ёндашув рекреация тадбирлар самарасини кўтаришга хизмат қилади. Дам олиш масканидаги функционал касаллик билан касалланганлар учун иқлим шароити, ўсимлик ва ҳайвонот оламининг тавсифи, рельеф, жойнинг эстетик хусусиятлари асосий роль ўйнайдиган бўлса, шамоллаш ва дистрофик касалликларни даволашда табиатнинг энг муҳим минерал сувларидан, даволовчи балчиқ ва иқлим омиллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Табиат ва унинг хилма-хил иншоотлари, тарихий обидалари инсонга руҳий озуқа берувчи, бетакрор ва беқиёс манба ҳисобланади. Экологик, илмий, эстетик, таълимий, маданий ва туристик аҳамиятга эга бўлган табиий объектларни сақлаб қолиш ва уларни муҳофаза қилишнинг энг қулай шакли давлат табиий ёдгорликларидир.

1993 йилда қабул қилинган «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1993 йил, 7май) ҳозирги ва келажак авлод манфаатларини кўзлаб ноёб ҳамда экологик, илмий, маданий, эстетик, санитария-соғломлаштириш, иқтисодий нуқтаи назардан миллий бойлик ва умумхалқ мулки бўлиши, бебаҳо табиий объектларни муҳофаза этишнинг умумий, экологик-иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради.

Ҳозирги кунда кишилар дам олишини ташкил этиш дунё миқёсида турли омиллар билан боғлиқ бўлиб қолди. Улар табиий, иқтисодий, экологик, илмий-техникавий, геосиёсий ва бошқа омиллар. 1580 йилларда Россия ҳудудида бир неча рекреация районлар таркиб топди. Кейинчалик, собиқ Иттифок таркибидаги бир қанча

республикаларнинг мустақилликка эришиши, минтақадаги геосиёсий вазиятлар ўзгариши бу тизимнинг издан чиқишига олиб келди.

Аҳолининг аксарият қисми денгиз бўйи рекреация ҳудудларига, даволаниш ва тоғчанги курортларига дам олиш учун боришар эди. Ҳозирда эса, рекреация манзилгоҳларда фаолиятини, рекреация тизимини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам жаҳон сайёҳларининг диққатини ўзига жалб этган манзилгоҳлар кўп. Осиё “Швейцарияси” номини олган Ғарбий Тяншан тоғлари худди шундай манзилгоҳлардан биридир. Ғарбий Тяншан тоғ рекреацион райони Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон Республикалари ҳудудларининг туташган жойи ҳисобланади. Ҳудуд табиатининг жозибасини сайёҳлар Альп тоғларидаги рекреацион манзилгоҳлар билан қиёслашади. Ҳудудда маҳаллий дарёларда ҳозирги кунда сув туризми ривожланмоқда. Ҳудуд табиати ўттиз йил муқаддам, яъни 1975 йиллардаёқ туристик гуруҳлар эътиборини тортган эди. Бугунги кунда Жаҳон банки биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича Марказий Осиё лойиҳасини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Ғарбий Тяншаннинг табиий бойликлари жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортмоқда. Айниқса, қайиқда сузиш ишқибозлари Чотқол дарёсига сузиш учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишади.

Ўзбекистон вилоятларининг йирик шаҳарларида ва улар атрофида аҳоли учун дам олиш жойлари етарлича ташкил этилмаган. Ажойиб табиат гўшалари, тоғлар, тўқайлар ва бошқа ландшафт турларида туризмни ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги кунда Республикада туризм инфратузилмасини шакллантириш асосий муаммо бўлиб турибди.

1.2. Рекреация ва туризм географиясининг умумий ҳамда хусусий жиҳатлари

Дарҳақиқат, кейинги йилларда иқтисодий ва ижтимоий географик тадқиқотлар доираси кенгайиб, тиббиёт географияси, рекреация географияси ҳамда туризм географияси каби ижтимоий йўналишлар муаммолари бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бинобарин, бу йўналишдаги географик тадқиқотлар бугунги кундаги долзарб ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ижтимоий географиянинг муҳим тадқиқот объектларидан бири рекреация географияси ҳисобланади. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ҳамда ҳудудий меҳнат тақсимоотида рекреация ресурсларидан оқилона фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Бу ўз ўрнида ҳудудларни истиқболли ривожлантиришда етакчи омил сифатида роль

ўйнаши ҳам мумкин. Бунда рекреация ресурсларидан туризм мақсадида фойдаланиш, турбизнесни йўлга қўйиш орқали аҳоли соғлиғини тиклаш, соғломлаштириш, курортлар тизимини ҳудудий ташкил этиш билан боғлиқдир. Шу боис, туризм географияси ва рекреация географиясининг ўзига хос умумий ва хусусий жиҳатларини шу нуқтаи назардан таҳлил этиш лозим.

Рекреация географияси назарий масалалари билан В.С. Преображенский, Л.И. Мухин, Ю.А. Веденин, И.В. Зорина (1960, 1970) ва Г.Т.Кубесова (2004) ва бошқа олимлар илмий изланишлар олиб борган. Улар туризм ҳамда рекреация географиясининг назарий масалаларига турлича ёндашган. Хусусан, рекреация географияси табиий географик фанлари таркибидаги, туризм географияси эса иқтисодий географиянинг бир тармоғи сифатида баҳоланади. Бизнингча, рекреация географияси табиий география ҳамда ижтимоий географиянинг қиррасида жойлашган, туризм географиясини эса иқтисодий ва ижтимоий география ҳамда иқтисодиёт фанлари қиррасидаги миллий иқтисодиётнинг бир тури сифатида қараш мумкин.

Рекреация географиясининг умумий хусусиятлари бу соғломлаштириш, соғлиқни тиклаш фаолиятига қаратилган мажмуалар, туризм географияси эса дам олиш, танишув, соғломлаштириш билан боғлиқ хўжаликнинг бир туридир. Бинобарин, рекреацион фаолият орқали даромад олиш эса туризм билан умумий ва хусусий жиҳатларни тавсифлайди.

Дарҳақиқат, туризм географияси иқтисодиёт тармоқлари сифатида ҳозирги кунда муҳим даромад келтирувчи соҳалардан бирига айланиб улгурди. У туристик хўжалик фаолияти ва моддий техник баъзаси сифатида тарихий, архитектура, замонавий шаҳарсозлик архитектураси, маданий-табиий ёдгорликлар, диний, дам олиш, соғломлаштириш объектлари, этнография каби тармоқларни қамраб олган.

Туризм – сайёҳат инсон тафаккури ва дунёқарашини кенгайтириши, кишиларни табиатни севишга, инсонлар турмуш тарзи ва маданияти, санъатини теран билишга хизмат қилади. Шу боис, у ўз моҳият, мақсад ва мазмунига кўра том маънодаги ижтимоий географияга мос келади. Туризм географиясининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланишида дастлабки изланишлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин И.Г. Коль томонидан олиб борилган. Бу тадқиқот дам олиш, туризм географияси бўйича илк қадамлардан бири бўлди. Шу даврда немис географи А.Геттнер ҳам ўз изланишларида ТГ (туризм географияси) нинг ўзига хос жиҳатларини очиқ берди (Кубесова Г, 2004). У туризм географиясининг предмети бўйича илмий ишлар олиб бориб, йирик шаҳарлар атрофида табиат ва иқлим ресурсларидан фойдаланиш хусусиятларига катта эътибор берди. Шунингдек, Геттнер сайёҳат пайтида кишиларнинг табиий ва ижтимоий-иқтисодий

ҳамда рекреация ресурсларидан фойдаланишини туризм географиясининг предмети деб таъкидлайди (Ердавлетов, 2000).

XX асрнинг иккинчи ярмидан кейинги йилларда собиқ Иттифокда ҳам бу йўналиш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, Н.С.Мироненко ва И.Т.Твердохлебов (1984) рекреация ва туризмнинг географик хусусиятлари тўғрисида, П.Н.Зачиняев, Н.С.Фалькович (1972) халқаро туризмнинг географик жойланиши ва ривожланиши бўйича илмий асарлар яратди. Бундан ташқари, туризм географиясининг назарий ва услубий асосларини Пирожник И.И., Котляров Е.А., Александрова А.Ю., Дмитриевский Ю.Д., Ердавлетов С.Р. ва бошқаларнинг ҳам илмий ишларида кўриш мумкин. Аммо, таъкидлаш жоизки, собиқ Иттифокда рекреация ва туризм соҳасини кенг миқёсда ўрганиш яқин ўтмишда бошланди.

Ҳозирги пайтда Марказий Осиё географ олимлари, жумладан, З.М.Акрамов, Э.А.Аҳмедов, Ш.Азимов, Г.Р. Асанов, А.С Солиев, О.Отамирзаев, С.Р.Ердавлетов, Н.Алымқулова, М.Ҳусанбоев, Б. Зиёмухамедов, К.Н. Мусин, А.Г. Низамиев, А.А. Жолдасбеков, Г. Зокиров, З. Бўриева, Р. Усмонова, А. Юсупов, М.Р.Усмонов (2005) ва бошқалар томонидан туризм ва рекреация географиясининг турли масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Н.С. Мироненко ва И.Т.Твердохлебов (1981) инсон фаолиятининг барча мақсадли, мақсадсиз, бўш пайтларида соғломлаштириш, танишув, спорт ва маданий-маиший фаолияти рекреация, сайёҳат пайтида аҳоли яшаш жойидан бошқа жойга қисқа ва узок муддатли сайёҳати, сайр қилиши, экскурсияси, танишув, илмий ва спорт мусобақаларида 24 соат ичида бўлишини туризм деб ҳисоблайдилар.

В.С. Преображенский рекреация географиясини рекреация тизим сифатида ўрганиб, унинг предмети ва ўрганиш объектини «**ҳудудий рекреацион тизим**» деб таърифлайди. Мавжуд илмий манбаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, аксарият олимлар туризм географиясини нисбатан янги ва уни рекреация географиясининг бир қисми сифатида қарашга мойиллар. Дарҳақиқат, туристик фаолият узок муддатли дам олиш, соғлиқни тиклаш каби рекреация мақсадларга анча тўғри келади. (Мироненко, Твердохлебов, 1981). Айни чоғда, Н.С. Мироненко, Б.Б. Родмон, И.В. Зоринлар рекреация ресурсларни районлаштиришда иқтисодий географик омилга катта эътибор қаратди. В.С. Преображенский ва Ю.А. Веденинлар эса туризмни ижтимоий-иқтисодий тадқиқ этишда аҳоли, аҳоли манзилгоҳлари, шаҳар ва шаҳар атрофи, урбанизация жараёнининг туризмни ривожлантиришдаги ўрнига аҳамият беришди.

Бизнинг фикримизча, туризм географияси иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий географиянинг янги тадқиқот йўналишларидан бири бўлиб, мамлакат ва ҳудудларнинг

иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири бўлиши, айти пайтда эса, географиянинг ушбу йўналиши кўп жиҳатдан минтақаларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан барқарор ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда эътиборга олиш жоизки, ҳудудий рекреацион ёки туристик тизимларнинг моҳияти ва таксономик бирликлари тўғрисида аниқ бир фикр мавжуд эмас. Масалан, Н.С.Мироненко ва И.Т.Твердохлебовлар (1981) ХРТ-ларни 5 таксономик бирликка ажратишади: рекреацион зона (минтақа), рекреацион район (макрорайон), рекреацион «подрайон», рекреацион микрорайон ва рекреацион пункт. Худди шундай Ю.Д. Дмитриевский ҳам рекреация ёки туристик районларни 5 бўғиндан иборат, деб кўрсатади: туристик рекреацион зона, туристик макрорайон, туристик мезорайон, туристик микрорайон ва туристик объект (Дмитриевский, 2002).

Бу олимлардан аввалроқ Е.А.Котляров ҳудудий туристик мажмуаларни 3 босқичга ажратган. 1) район даражасидаги рекреацион мажмуа, 2) рекреацион микрорайон ва 3) рекреацион ташкилот ёки корхона (Котляров, 1978).

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бу ерда мажмуали (комплекс) ва тизимли (система) ёндашув уйғунлашиб кетган. Гарчи улар орасида катта фарқ бўлмаса-да, кичик ҳудудларга нисбатан туризмнинг ҳудудий ташкил қилиш шакллари ХТМ сифатида қарашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Айти вақтда минтақавий туризм (МТ) ана шундай ҳудудий туристик мажмуалар бирикмасидан ташкил топади.

МТ салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш учун турли масштабда ва айтиқса кичик жойларда туристик объектлар ва улар билан боғлиқ бўлган инфратузилмаларнинг ўзаро жойлашувида ХТМ ларнинг аҳамияти ошади. ХТМ ғояси моҳиятан ҳудудий туристик районлар ёки система тушунчаларига яқин, чунки, уларнинг асосида ҳам мажмуа ётади. Бироқ, ХТМ уларнинг пастки ва ўрта поғоналарига мос келгани маъқул. Чунки, ҳудудий мужассамлашув самарадорлигига (агломерацион самарадорлик) фақат маълум шароитлардагина эришилади, мажмуа кўлами кенгайса самарадорлик пасаяди ёки йўқолади. Бинобарин, ХТМ ларни, одатда, бир соатлик пиёда сайр қилиш доирасида ажратиш тўғрироқ бўлади. Бундай ёндашув умуман табиий география ҳамда иқтисодий ва ижтимоий географиядаги мажмуалик «комплекслик» тамойилидан келиб чиқади.

Айти вақтда туризмни мажмуа кўринишида ҳудудий ташкил этиш, уни бошқариш ва ривожлантириш ҳамда туристик маршрутларни тузишда аҳамиятлидир. Хусусан, шаҳар ичидаги турли маршрутлар, табиий рекреация ва дам олиш оромгоҳларидаги масканлар, экотуристтик маршрутлар ва бошқаларда биринчи навбатда ушбу туристик объектнинг географик жойлашуви ҳамда транспорт ва турли хил инфратузилмаларнинг қай даражада

бўлиши бевосита маршрутнинг самарадорлигини таъминлайди (Солиев А., Усмонов М., 2005).

Жамиятнинг ривожланишини турли хил фанлар ва уларнинг ютуқларисиз тасаввур этиш қийин. Шу нуқтаи назардан ижтимоий география фанлар тизимида география фани ҳам ўз мавқеига эга ва унинг тараққиётида кўплаб янги-янги тадқиқот ва изланишлар бўлиши табиий. Айниқса, замонавий география фанлари тизимида ижтимоий соҳаларга эътибор кучаймоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий географиянинг ўзига хос соҳаларидан бири бўлган, аниқроғи, табиат қўйнида дам олиш, сайр қилиш ва саломатлик даражаси ҳамда уларнинг ҳудудий хусусиятларини ўрганувчи рекреация географияси олдиға янгидан-янги муаммоларни қўймоқда.

Бир қатор мамлакатларда катта-катта ҳудудлар рекреацион манба сифатида шаклланаётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, Франция, Италиянинг Ўрта денгиз соҳил бўйи минтақаси, Қора денгиз соҳиллари, тоғли ва тоғолди ва бошқа минтақалар рекреацион мақсадларда фойдаланилмоқда. Шунингдек, Япония, Жануби-Шарқий Осиё, Лотин Америкаси, Африка, Марказий Осиё (Ўзбекистон), Европа, Шимолий Кавказ, Кавказорти давлатлари, Карпат тоғ тизмаси, Альп тоғлари ҳудудларида ўзига хос рекреация масканларидан иборат минтақалар мавжуд.

Рекреация тизими мажмуали бўлиб, табиатдан оқилонга фойдаланиш ва атроф-муҳит муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки, бир томондан рекреация тизими катта ер фондини (гарчи қишлоқ хўжалиги учун яроқсиз ер ресурслари, айрим тоғли ҳудудлар, эстетик аҳамиятга молик табиий манзаралар ва бошқалар) тақозо қилса, иккинчи томондан рекреация минтақасининг ўзига (табиий ландшафтга) бўлган ҳаддан ташқари кучли тазйиқ табиатга ва унинг ресурсларига салбий таъсир этади.

Айни вақтда, рекреация минтақаларда саломатликни тиклаш ва соғломлаштириш табиий манбалар билан уйғунлашган бўлади. Қуёшли кунларнинг кўп бўлиши, атмосфера мусаффолиги, шифобахш сув ва балчиқлардан инсон саломатлигини тиклаш ва соғломлаштириш ресурслари сифатида қаралади. Рекреация ресурслардан самарали фойдаланиш эса фақат айрим ҳудудлар иқтисодий тараққиётигина эмас, балки бутун-бутун мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ҳам катта ўрин тутади.

Табиий ва рекреацион ресурслар ҳосил бўлиш хусусиятларига қараб эмас, балки фойдаланиш хусусиятларига қараб ажратилади. Рекреация ресурслари - истироҳат, туризм ва даволаниш мақсадида фойдаланиш мумкин бўлган табиат объектлари ва ҳодисаларидир. Бундай ресурсларга денгиз соҳиллари, дарё ва қўллар бўйлари, ўрмонли ерлар, минерал ва шифобахш балчиқлар чиққан жойлар қиради. Мазкур жойларда дам олувчи ва туристлар учун жуда хилма-хил ва гўзал табиатли ландшафтлар, бой

ўсимликлар олами, дам олиш, спорт билан шуғулланиш, овчилик, балиқ тутиш ва шу кабилар учун яхши имкониятлар мавжуд бўлади. Катта шаҳарлар атрофларидаги яшил минтакалар, кўрикхона ва боғлар, маданий, тарихий, археологик ёдгорликлар диққатга сазовор жойлардан ҳисобланади.

Кейинги йилларда табиий ресурсларни ўзлаштириш натижасида табиий ландшафтга эга бўлган ҳудудларда дам олиш зоналари ташкил этилиб улардан кенг фойдаланилмоқда. Табиатдан фойдаланишнинг бу шакли ландшафддан рекреация мақсадида фойдаланиш имконини беради. Шу ўринда табиий муҳитдан рекреацион мақсадда фойдаланганда кейинчалик рўй берадиган оқибатларга эътибор бериш зарур. Чунки, айрим сабабларга кўра, фойдаланиладиган ҳудуднинг тупроқ ёки ўсимликлари ўзгариб, ёввойи ҳайвонлар йўқ бўлиб кетиши, умуман биогеоценоздаги боғланишларга салбий таъсир кўрсатилиши мумкин. Шунинг учун табиий муҳитдан рекреацион мақсадда фойдаланишда ер фондлари ажратиш зарур ва давлат томонидан ушбу рекреация ҳудудларини муҳофаза қилишнинг дастлабки йўналиши ҳудудларга келадиган кишиларнинг сонини ва уларнинг бу жойлардаги фаолиятларини белгилашдан иборат. Иккинчидан, рекреацион ҳудудлар табиатини муҳофаза қилишни яхши йўлга қўйиш ва дам олишни туристик ташкилотлар уюштириши лозим. Учинчидан, рекреацион ҳудудлар ландшафтини табиий ҳолда сақлашда маҳаллий ташкилотлар ва умуман кишиларнинг ўзлари фаол қатнашишлари, тушунтириш ишлари олиб боришлари зарур бўлади. Шунингдек, энг нодир ҳудудлардан дам олиш учун маълум қисми ажратилиши зарур. Ажратилган ҳудудни муайян вақтда фойдаланилган жойларнинг табиий ҳолатини яна тиклашга эришмоқ зарур. Бинобарин, республикамиз ҳудудидаги текислик ва тоғлик районларда фуқароларнинг дам олишларини таъминлаш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун етарли табиий шароитлар ва ресурслар борки, улардан рекреация мақсадларида фойдаланиш имконини беради.

Тоғ ва тоғ олди районлари ҳудудидан рекреация мақсадларида кейинги йилларда анча самарали фойдаланилмоқда. Айниқса, Чирчиқ, Почтаотасой, Шоҳимардонсой, Оҳангарон дарёлари водийларида жуда кўп дам олиш зоналари барпо этилган. Аммо дам олиш объектлари - дам олиш уйлари, санаторийлар, туристик базалар айрим ҳудудларда ҳаддан ташқари зич жойлашган. Чунончи, Почтаота, Хумсон, Бурчмулла, Чимён, Шоҳимардонсойда уларнинг сони жуда кўп. Буларни эътиборга олиб, рекреация ҳудудлар ландшафтини илмий асосда тўғри ташкил этиш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда. Симашко номидаги Республика курортология ва физотерапия институти ходимлари республикамизда дам олиш уйлари ва пансионатлар қуриладиган рекреация ҳудудларни аниқлаб бердилар. Чунончи, Тошкент вилояти Қорамозор, Янгиқўрғон, Қоронкулсой, Чорбоғ сув омбори ҳудуди, Чимён, Заркент ва Писком водийлари; Самарқанд вилоятида

Омонқўтон, Тепакўл, Андак, Боғмозор водийлари; Жиззах вилоятида Зомин, Бахмал давлат хўжалиги худуди; Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятида Бойсун, Авлот, Дарбанд; Фарғона вилоятида Қуббонқўл, Чоркесармозор, Косонсой, Водил, Ғова ва бошқа худудлардан рекреация мақсадларида фойдаланиш мумкин.

Рекреация мақсадлар учун, айниқса, Республикаимизнинг тоғ ва тоғ олди районларида дам олишни самарали ташкил этишда фойдаланиладиган ерлар хариталаштирилиб, табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўллари белгиланмоқда, табиий ресурслардан фойдаланиш усуллари кўрсатиб берилмоқда. Рекреация ва туризм географиясининг умумий ва хусусий жиҳатларини бир қарашда яхлит ёки алоҳида-алоҳида кўриш мумкин. Унинг умумий жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, улар география фанининг бир тармоғи сифатида, хусусий жиҳатлари эса ҳар бирини ҳудудий рекреацион ва туристик районлаштириш, ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилади. Бунда ҳудудий рекреация тизимлари (ХРТ) ва ҳудудий туристик мажмуалар (ХТМ) назариясини янада чуқурроқ илмий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

1.3. Ўзбекистонда рекреация-туристик имкониятлардан фойдаланишнинг географик хусусиятлари

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ташқи иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишларидан бири туризм деб белгиланди. Бу фаолият тўғри ташкил қилинган тақдирда экспортнинг рентабелли соҳаси ҳисобланади. Даромад манбаи ҳисобланган туризм чет эл валютасининг мамлакатимизга оқиб келишига ёрдам бериши ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Оилага сарф қилинган маблағ бошқа турдаги сарф-ҳаражатларга нисбатан тезроқ сарфланади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда кишиларнинг меҳнатини эъзозлашга, хусусан, уларнинг сайёҳатлари ва дам олишларига эътибор кучайтирилмоқда. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг асосий вазифаларидан бири ўз фуқароларининг меҳнат қилиш ва яхши яшаш шароитини доимо яхшилаб боришдан иборатдир. Лекин, рекреация нуқтаи назаридан катта имкониятларга эга бўлган Ўзбекистон худуди аҳолисининг дам олиш, даволаниш, туризм масканларининг хизматига талаби жуда катта бўлишига қарамасдан, рекреация мақсадлари кам ўрганилган. Унинг рекреация ресурсларидан фойдаланиш даражаси анча пастлигича қолмоқда. Собиқ Иттифоқ даврида дам олиш ва даволаниш асосан Европа ва Кавказ қисмидаги анъанавий марказий курорт минтақаларига тўғри келар эди. Аҳоли тез ўсаётган Ўзбекистонда янги курортлар ва рекреация объектлар

қурилиши жуда суст олиб борилди. Бу ҳол собиқ Иттифоқнинг қулаши, унинг ўрнига сиёсий мустақил давлатларнинг вужудга келиши, Ўзбекистон аҳолисининг дам олишга ва даволанишга бўлган талабининг марказлашган ҳолда қондирилишининг бузилиши республика аҳолисининг марказий курорт рекреация объектларидан фойдаланиш имкониятларини чеклаб қўйди.

Ўзбекистоннинг дунёга юз тутиши ва жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишида туризм индустриясини шакллантириш ижтимоий ҳаётнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу туфайли ҳам республикада туристик саноатни ривожлантириш асосида бутун хўжалик механизмини қайта қуришнинг илмий асосланган дастурини ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидир.

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида танилгандан кейин халқимизнинг дам олиши, даволаниш ва туризмга бўлган эҳтиёжи янада кучайди. Энди илгари мавжуд бўлган дам олиш ва даволаниш масканлари вужудга келган талабни қондира олмай қолди. Бунинг учун республиканинг табиий рекреация комплексларини ўрганиш, жойлардаги рекреацион имкониятларни аниқлаш ва уларга фойдаланиш имкониятига қараб баҳо бериш ҳозирги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Бундан ташқари Орол денгизи бўйида экологик шароитнинг инсон ҳаёт кечириши учун қийинлашиши бу муаммони тезроқ ечиш масаласини олимлар ва мутахассислар олдига қўндаланг қилиб қўйди.

Ана шуларни ҳисобга олиб, қўшимча дам олиш ва даволаниш жойларини аниқлаш, уларнинг имкониятларига баҳо бериш ҳамда рекреация районлаштиришни амалга ошириш зарур. Бу асосда рекреация ва туризм карталарини яратиш ҳозирги куннинг муҳим долзарб масалаларидан бирига айланди. Бу ишларни бажариш учун қуйидаги асосий масалаларни бажармоқ лозим:

- ✓ Кишиларнинг дам олиши учун янги масканларни излаб топиш имкониятларини аниқлаш;
- ✓ Табиий-ҳудудий рекреация комплексларини ажратиш;
- ✓ Дам олиш ва даволаниш масканларининг йирик масшабли рекреация карталарини яратиш ва ҳ.к.

Ҳудудий рекреация комплексларини ўрганиш, баҳолаш ва районлаштириш бугунги кунда ижтимоий географиянинг муҳим масалаларидан бирига айланди. Чунки, аҳолининг дам олиш ва даволанишини ташкил этиш учун аввал ўша ҳудуднинг рекреация имкониятларини аниқлаш, уларга иқтисодий ва ижтимоий баҳо бериш ва рекреацион районлаштиришда географ ва иқтисодчиларнинг роли катта бўлмоқда. Аҳолининг йилдан-йилга ўсиб бораётган дам олиш ва даволанишга бўлган талаби бу масалани тезроқ ҳал

этишни тақозо қилади. Айниқса, Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиб бориши рекреация масканлари сонини кўпайтириш, улардаги хизмат кўрсатиш салоҳиятини яхшилашга бўлган талаб кучайиб бормоқда. Республикамиз мустақил бўлгандан сўнг илгари кишилар дам олиб, даволаниб келаётган Шимолий Кавказ, Қора денгиз бўйи, Украина ва Болтиқ денгизи бўйи ҳудудларига бориш анча узоқ ва мушкул бўлиб қолди. Шу сабабли ўлкамизнинг хушҳаво ва шифобахш маъданли сувларга бой Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё ва бошқа вилоятларида дам олиш масканлари ташкил этилмоқда. Ўзбекистонда энди ҳар йили минглаб кишилар (мактаб ўқувчилар, ёшлар, нуроний-кексалар) ўз таътилларини дам олиш уйиларида, яъни туристик масканлар ва санаторияларда, мактаб ўқувчилари эса дам олиш оромгоҳларида ўтказмоқда.

Сўнгги 30-35 йиллар ичида республикамиз шаҳарлари сонининг кўпайиши ва йириклашиши фуқароларнинг рекреация талабини янада оширди. Айрим жойларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси, транспорт воситалари сонининг ўсиши кишиларнинг асабига таъсир этади. Шунинг учун улар иш қобилиятларини тиклаш ва соғлиқларини яхшилашга интиладилар. Агар киши қисқа муддатли (шанба, якшанба кунлари) дам олса, табиатда кислородга бой тоза ҳавода, яшил ўсимликлар, шилдираб оққан сувлар ёнида бўлса унинг чарчоғи кетади. Бундай хушҳаво гўзал манзарали жойларни ўрганиш ҳамда кишилар саломатлигини тиклашда медик, биолог, геолог ва бошқа мутахассислар қаторида географларнинг ҳиссаси каттадир.

Аҳолининг дам олиш ва даволанишини талаб даражасида ташкил этиб, ривожланган мамлакатлар қаторида туриши республикамизнинг табиий рекреация ресурсларини чуқур ўрганиш, уларга иқтисодий баҳо бериш ва районлаштиришни тақозо этади. Ўзбекистоннинг табиий рекреация комплексларини миллий асосда ўрганиб хариталаштириш, дам олиш турларини ҳудудлар бўйича ажратиб зарурий тавсиялар беришдан иборатдир. Ҳозирги пайтда республикамизда айрим вилоятлар бўйича туристик сайёҳат ва қисқа муддатли дам олиш учун схемалар ва карталар мавжуд. Аммо олимлар ва мутахассисларнинг илмий тавсиялари асосида яратилган хариталар йўқ. Фақат айрим вилоятлар (Тошкент, Қашқадарё ва бошқалар) умумий рекреация хариталари мавжуд. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг йирик масштаби рекреация харитаси тузилмаган. Ваҳоланки, мукаммал дам олиш ва даволаниш турлари бўйича тавсияли хариталар ҳар бир вилоят учун яратилиши лозим. Айниқса, ҳудудларнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобга олинган ҳолда тузилган рекреация хариталари жуда зарур. Бундай хариталарда ер юзаси, унинг геологик тузилиши, иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид маълумотлар берилса кўнгилдагидек бўлар эди. Воҳоланки, Ўзбекистоннинг

таксанолик бирликлари (маскан, район ва х.к.) ажратилган мукаммал рекреацион хариталар яратиш вақти келди дейиш мумкин.

Худудий рекреацион районлаштириш даврида жойларнинг табиий ва иқтисодий-географик шароитлари ҳисобга олиниб комплекс турлари ов, балиқ тутиш, туристик соғломлаштириш, сайр этишни кўрсатиш мумкин. Аҳоли яшайдиган жойларни кўкаламзорлаштириш ишлари орасида асосий ўринни экиш ишлари эгаллайди. Сквер, болалар спорт майдончалари, мактаб атрофидаги майдончалар, болалар боғчалари, биноларга кириш жойларига манзарали ўсимликлар экиш жудаям ривожланган. Агар олдинги вақтда қисқа вақт ичида тез ўсувчи, шароитимизга мос келадиган турларни экиб яшил майдончаларни кўпайтириш масалалари турган бўлса, ҳозирга келиб эса замон талабига қараб юқори манзарали баргли ва игнабаргли дарахтлар, чиройли гуллайдиган буталар етиштирилмоқда, экилмоқда. Қимматбаҳо манзарали дарахтларни етиштириш ҳам кучаймоқда. Қишлоқ аҳоли пунктларида янги кўринишдаги дам олиш хиёбонлари кўплаб барпо этилмоқда. Деярли ҳамма мамлакатларда Ботаника боғлари мавжуд бўлиб, бу ерда маълум бир аниқ шароитда ўсадиган ўсимликларнинг ассортименти ишлаб чиқадилар. Ўсимликларнинг биологияси, экологияси ўрганилади, янги сорт ва турлар яратилади. Манзарали боғдорчилик масалалари ўрганилади (Славкина, Подольская, 1987).

Республикамизда мавжуд бўлган дам олиш ва даволаниш масканларининг барчаси рўйхатга олиниб харитага туширилса ҳамда уларни бошқариш ягона идорага бўйсундирилса яхши бўлар эди. Рекреация комплексларини таксанологик бирликларга ажратиш пайтида худуднинг табиий географик хусусиятлари ва иқтисодий омилларига қараб ажратиш муҳимдир. Республика худудида дам олиш ва даволаниш жойларининг тарихий-анъанавий ва бошқа омилларини ҳисобга олиш шарт. Районлаштириш пайтида таксанолик бирлик сифатида кўпгина географ олимлар ва мутахассислар тавсия этган зона ва рекреацион маскан каби таксанологикларни қўллаш мумкин. Бундай рекреация масканларнинг дам олиш зоналарида турли сайёҳатлар ташкил этиш мумкин.

Сайёҳат инсон тафаккурини кенгайтиради, дунёни теран англашга хизмат қилади, соғлигини тиклашга ёрдам беради. Инсон дам олиш ва соғлигини тиклаш жараёнида табиат билан маълум даражада муносабатда бўлади. Кишилар ер юзининг бир-бирига ўхшаш бўлмаган жойларини бориб кўришни хоҳлашади. Сайёҳлар асосан табиат кўйида дам олиш, чўмилиш, пиёда юриш, тоғ ва чўққиларга кўтарилиш, отда ёки автомобилда сайр қилиш, табиат ёдгорликларини томоша қилиш, ов ва спорт билан шуғулланишга ҳаракат қилишади.

Ўзбекистон аҳолисининг дам олиш, даволаниш, туризм масканларининг хизматида бўлган талабини қондиришда Тошкент вилоятининг рекреация имкониятлари анча юқори

туради. Вилоятнинг иқтисодий географик ўрнини қулайлиги, унинг бошқа вилоятларга нисбатан иқтисодий, ижтимоий томондан тез ривожланиши, маданий ландшафтлар ва тўқайлари, мевазор ва арчазорларидан иборат ўртача баландликдаги ва баланд тоғларнинг рекреация имкониятлари каттадир. Баланд тоғлар орасида Чирчиқ водийсида қурилган Чорвоқ ва Ходжикент сув омбори, Оҳангарон водийсида бунёд этилган Ангрен ва Тошкент сув омборларининг ҳамда вилоятда жуда ҳам кўплаб топилган ер ости минерал сувлари катта мавқега эга.

Бугунги кунда минтақаларда соғломлаштириш объектларини қуриш кенг миқёсда олиб борилмоқда. Қуёшли кунларнинг кўп бўлиши, атмосфера ҳавосининг мусаффолиги ва кислороднинг юқорилиги, шифобахш минерал сув ва балчиқлар инсон саломатлигини тиклашда бальнеологик, иқлимий курортлар тизимини яратишни талаб қилади. Натижада, рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш айрим ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини белгилаб беради.

Ўзбекистонда мавжуд бўлган дам олиш ва даволаниш масканларининг барчаси рўйхатга олинган. Бундай дам олиш зоналарида турли касалликларни даволайдиган санаториялар қуриш ва уларнинг йўналишларини кўпайтириш мумкин. Шу сабабли мавжуд минерал сувлардан, табиий ландшафтнинг жозибадорлигидан фойдаланиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Минерал сувларнинг шифобахшлиги, уларнинг турли касалликларни даъволашда кераклиги иқлимий курортлар қуришни талаб қилади.

Санаторияларда даволанадиган инсонлар даволаниш билан биргаликда табиат қўйнида сайр қилиш имконига эга. Бинобарин, сайёҳат инсон тафаккурини кенгайтиради, дунёни теран англашга хизмат қилади, соғлигини тиклашга ёрдам беради. Инсон дам олиш ва соғлигини тиклаш жараёнида табиат билан маълум даражада муносабатда бўлади. Кишилар Ер юзининг бир-бирига ўхшаш бўлмаган жойларини бориб кўришни хоҳлашади. Сайёҳлар асосан табиат қўйнида дам олиш, чўмилиш, пиёда юриш, тоғ ва чўққиларга кўтарилиш, отда ёки автомобилда сайр қилиш, табиат ёдгорликларини томоша қилиш, ов ва спорт билан шуғулланишга ҳаракат қилишади. Бу борада Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси тизимида 16 та санаториялар мавжуд. Бу санаториялар даволаш имкониятига кўра 3000 га яқин фуқарони қабул қилади. Замон талаблари бўйича янада қулай шароитлар яратиш мақсадида 3-4 ўринли хоналар йўқ қилиниб, ўрнига фақат 1 ва 2 ўринга эга бўлган ва яхши жиҳозланган хоналар, жаҳон андозалари мезонига мос келадиган оилавий ва «Люкс» хоналар, коттеджлар ташкил қилинди. Шу билан бир қаторда, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида қисқа муддатли йўлланмалар (курсовкалар), кундузги қатнаб даволаниш хоналари ташкил қилинди.

Санаторияларда ҳар йили республикамизнинг 68-70 минг нафардан зиёд меҳнаткашлари ҳордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тикламоқдалар (Интернет маълумоти, 2010). Масалан, экологик ноқулай шароитларда яшовчи Орол бўйи меҳнаткашларининг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасида 75 ўринли “Тулпаршин” ва 35 ўринли “Айдосқала” санаториялари,

“Абу Али ибн Сино” санаторийсида даволаш-ташхислаш биноси курилиб иш фаолиятини бошлади. “Чортоқ”, “Бўстон”, “Оқтош” санаторийсида 1 та ёзги сузиш ҳавзаси ва 2 та алоҳида-алоҳида 10 оилага мўлжалланган, барча қулайликларга эга, замонавий жиҳозланган, “Турон” санаторийсида ҳам 2 та энг замонавий талабларга жавоб берадиган оилавий коттедж биноси, 33 ўринли юрак инфаркти касаллигини ўтказган беморларни даволаш реабилитация бўлими, маъмурият ва қабулхона биноси, “Чинобод” санаторийсида 16 ўринли “люкс”хоналардан иборат бино курилди, шу санаторийда 5 қаватли 12-ётоқ биноси ва “Ботаника” санаторийсида 5 қаватли 7-ётоқ биноси ва ошхонаси замон талаблари асосида қайтадан капитал таъмирдан чиқарилди.

Она табиатнинг гўзал ландшафтлари (манзарали жойлари), тоза ҳаво ва сув, ноёб ва қайтарилмас шакл ва кўринишдаги табиат ёдгорликлари (тошлар, шаршаралар, рельеф кўринишлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) кун сайин табиат шайдоларини ва сайёҳларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Тоғли ҳудуд табиий ландшафтлари маҳаллий ва чет эллик сайёҳлар учун эрта баҳордан тортиб киш мавсумларигача очик бўлади.

Мамлакат аҳолиси сонининг ортиб бориши, урбанизация жараёнининг жадаллашиши, саноат тармоқларининг ривожланиши, ҳамда аҳоли турмуш шароитининг яхшиланиб бориши аҳолининг дам олишга бўлган талабини ошириб боради. Шу сабабли дам олувчилар ва туристлар талабини қондирадиган барча қулайликларга эга дам олиш объектлари ва курортлар куриш, мавжуд табиий ресурсларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда иқтисодни кўтариш манбаи бўлган рекреация ресурсларининг барча типларини ривожлантириш замон талаби бўлиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда рекреация ресурсларидан фойдаланиш билан бир қаторда аҳолининг дам олишга бўлган эҳтиёжини эътиборга олиб мамлакатнинг турли ҳудудларида дам олиш ва санаториялар инфратузилмасини шакллантириш лозим. Қолаверса, уни тараққий эттиришга етарли шарт-шароит мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, рекреация ресурсларининг барча типларини йўлга қўйиш орқали аҳолининг жисмоний, маънавий соғлом бўлишига, молиявий, ижтимоий аҳволини яхшилашга эришиш мумкин.

2 Боб. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИ РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

2.1. Вилоят табиий шароитини рекреация нуқтаи назардан баҳолаш

Самарқанд вилояти Ўзбекистон Республикаси таркибидаги вилоят бўлиб, у 1938 йил 15 январда ташкил этилган. Шимоли-ғарбдан Навоий вилояти, жанубдан Қашқадарё вилояти, шимолдан Жиззах вилояти билан жануби-шарқдан Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Майдони 16,8 минг км². Аҳолиси 3 миллион 514 минг 800 киши. (2015 йил) таркибида 14 та туман Булунғур, Жамбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Оқдарё, Пойарик, Тайлоқ, Ургут, Қўшработ; шаҳарлар сони - 11 та; шаҳар типдаги посёлкалар (шаҳарчалар) сони - 88 та.

Табиати. Самарқанд вилояти мамлакатимиз миллий иқтисодиётида муҳим мавқега эга. Бу ерда машинасозлик, озиқ-овқат саноатлари, пахта, узум, тамаки етиштириш, халқаро туризм ихтисослашган тармоқлар ҳисобланади. Самарқанд вилояти кулай географик ўринда, республикамизнинг марказий қисмида жойлашган. У ғарб ва шимоли - ғарбда Навоий, шимоли-шарқда Жиззах, жанубда Қашқадарё вилоятлари билан, жануби-шарқда қисқа масофада Тожикистон Республикасининг Сўғд (Панжакент райони) вилояти билан чегарадош. Бугунги Самарқанд вилояти қўшни вилоятларнинг туташ районлари билан ҳам азалдан боғлиқ (Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Бахмал, Навоий вилоятининг Нурота ва Хатирчи, Қашқадарёнинг Китоб ва Шаҳрисабз туманлари).

Ер усти тузилиши, асосан, баландлик, тоғолди ва тоғликлардан ташкил топган. Нисбатан пастқам жойлар Каттақўрғон шаҳридан ғарброкда ҳамда чекка жануби-ғарбда бор (Карноб чўли). Вилоятнинг энг баланд нуқталари 2000-2100 метрга етади. Улар Зарафшон ва Нурота тизмаларида, Ургут ҳамда Қўшработ туманларининг энг чекка қисмларида қад кўтарган. Шунингдек, вилоят орографиясида Оқтоғ, Қароқчитоғ, Ғубдинтоғ каби тоғ тизмалар, Пахтачи туманининг ўртасида Карноб чўли атрофида 1000-1100 метр баландликлар ҳам кўзга ташланади. Умуман олганда, Самарқанд вилоятининг шарқий қисмида жойлашган Булунғур ва Жомбой, марказидаги Самарқанд, Тайлоқ, Оқдарё, Пастдарғом, Пайарик ҳамда унинг ғарбий қисмидаги Иштихон, Каттақўрғон, Пахтачи ва Нарпай туманлари, демак, минтақа туманларининг кўпчилиги, асосан, текисликлардан (воҳалардан) ташкил топган. Бу текислик жануби-шарқдан шимоли-ғарб йўналишида, яъни ушбу тарихий-географик минтақанинг ўзига хос ўзаги, ижтимоий-иқтисодий “йўлаги” ҳисобланган Зарафшон дарёси соҳиллари бўйлаб нишабликка эга. Қолган қисми, аниқроғи Ургут, Қўшработ ва Нуробод туманларини тоғ ва тоғ олди, чўл

худудларига киритиш мумкин.

Самарқанд вилоятининг бундай географик ўрни туризмни ривожлантиришга қулай имконият яратади. Самарқанднинг қадимдан «Буюк Ипак йўли» нинг тугунида жойлашганлиги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига замин яратганлиги тарихдан маълумдир. Ҳозирги пайтда ҳам бу ерни маҳаллий ва халқаро автомобиль, темир йўл ҳамда ҳаво йўлларининг кесиби ўтганлиги дам олиш ва сайёҳатни ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Вилоят маркази - Самарқанд Зарафшон дарёси чап соҳилида жойлашган, у дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Самарқанднинг кўп асрлик тарихи давомида вайроналарга айлантирилиши, янгидан қайта тикланиши, гуркираб ўсиши ва ривожланишига унинг иқтисодий географик ўрнининг қулайлиги катта аҳамият таъсир кўрсатган (Акрамов, 1969). Шунингдек, шаҳарда маданият, санъат, фан, савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг ривож топиши ҳамда тарихий ва меъморий обидаларнинг вужудга келиши (шаҳарда 30 дан ортиқ ноёб тарихий-меъморий обидалар мавжуд) ҳам бевосита унинг иқтисодий географик ўрнининг ниҳоятда қулай бўлганлигидан далолат беради.

Дам олишни ташкил этиш, туристик маршрутлар, экскурсияларни уюштириш, аввало, қулай табиий шароитнинг мавжудлигини талаб қилади. Чунки, ўзига хос рельеф, иқлим ва турли-туман экзотик ландшафт манзаралари кишиларни ўзига тортади. Самарқанд вилояти табиий ва иқлимий шароити республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан анча қулай бўлганлиги сабабли ўлкада қадимдан аҳоли манзилгоҳлари вужудга келган, маҳаллий халқ деҳқончилик ва ҳунармандчилик каби соҳалар билан шуғулланган (Солиев, Қодиров, 1998). Самарқанд дунё цивилизацияси ўчоқларидан бири сифатида, дунёвий ва диний билимлар, маънавият-маърифат ва маданият маркази бўлиши билан биргаликда, ўзининг соф ҳавоси, иқлими ва гўзал табиати билан ажралиб туради.

Самарқанд вилояти табиий шароити, ер усти тузилиши, жануб ва шимол ҳамда шимоли-шарқ томонларининг тоғ ва тоғликлардан иборатлиги ҳам рекреацияда аҳамиятлидир. Вилоят шимолида Нурота тоғлари (Оқтоғ, Қоратоғ, Ғўбдин), жанубдан Зарафшон тоғ тизмалари (Чақилкалон, Қоратепа, Зиёвуддин, Зирабулоқ, ва ҳ.к.) билан чегараланади. Минтақа рельефи, умуман олганда, унинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун қулайдир.



Тахтақарача давони тоғ ландшафт кўриниши

Самарқанд вилояти табиий шароити, ер усти тузилиши, жануб ва шимол ҳамда шимоли-шарқ томонларининг тоғ ва тоғликлардан иборатлиги ҳам рекреацияда аҳамиятлидир. Вилоят шимолида Нурота тоғлари (Оқтоғ, Қоратоғ, Ғўбдин), жанубдан Зарафшон тоғ тизмалари (Чақилкалон, Қоратепа, Зиёвуддин, Зирабулоқ, ва ҳ.к.) билан чегараланади. Минтақа рельефи, умуман олганда, унинг ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун қулайдир.

Вилоят шимолидаги Нурота тоғ тизмалари (2165 м) эса Оқтоғ, Қоратоғ, Ғўбдин каби ўрта ва паст тоғларни ташкил этади. Бу асосий рельеф системасида ўзига хос табиий ва ландшафт хусусиятлари рекреация ресурсларининг вужудга келишига сабаб бўлган. Жумладан, текислик қисми Зарафшон дарёси соҳилларида (аҳоли манзилгоҳлари, деҳқончилик, қисман чорвачилик) ҳамда Жом ва Карнобчўл чўлларида қадимдан рекреациянинг кўпгина турларини ташкил этиш мумкин.

Минтақа тоғли ва текислик қисмларидаги ёғин ва иссиқликнинг тақсимланиши бирмунча ўзгарувчандир. Самарқанд метерологик маркази маълумотига кўра, йил бўйи қуёшнинг ёритилиши 2877 соатга тенг бўлиб, унинг 70 фоизи май ойидан октябргача тўғри келади ва ўртача ҳар бир см.кв. майдонга 181 ккал. қуёш радиацияси тушади. Бу вилоятда деҳқончиликнинг ўзига хос турларини етиштириш имкониятини туғдиради.

Тоғли ўлкаларда йиллик ва суткалик ҳарорат тафовутининг катталиги, ҳавонинг қуруқлиги, қуёш нурининг сероблиги каби хусусиятлар мавжуд. Тоғ ва тоғолди

худудларида иқлимий хусусиятлар юмшоқроқ бўлади. Иқлим ресурсларининг қулайлиги худудда рекреациянинг истиқболли йўналишларини ташкил этишга имконият яратади.

Вилоятнинг тоғли ва текислик минтақаларида ёғин турлича: ғарбий қисмида 300-450 мм., шарқий ва жануби-шарқий қисмларида ўртача 650-850 мм га етади. Қиш фасли юмшоқ келиши билан бирга айрим йиллари совуқ кунлар узлуксиз давом этади ва текислик қисмида мутлақ минимум (Қўшработ туманида 1975 й.) -30°C . га етади. Вилоятда энг совуқ январь ойининг ўртача ҳарорати 0°C .дан $-2,1^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Ёз ойи иссиқ ва жазирама, июлнинг ўртача ҳарорати $+25$, $+26^{\circ}\text{C}$ кузатилади (Умаров, Ашуров, Саидмуродов, 1980). Вилоятга асосан йил давомида шимоли-шарқ томондан шамол эсиб туради. Бинобарин, Самарқанд вилояти иқлимининг ўзига хослиги унинг баҳор ва ёз ойларида мавсумий сайёҳликни ташкил этиш ва ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади. Аини вақтда бу ерга ёз ойлари, хусусан июль-август ва нисбатан совуқ мамлакатлардан келадиган сайёҳлар учун шароит унча қулай эмас.

Минтақанинг «қон» томири, тарихий географик «ўқи» Зарафшон дарёси ҳисобланади (А.Солиев). У муз ва қордан тўйиниб, ҳудуд аҳолисини ҳамда барча халқ хўжалик тармоқларини сув билан таъминловчи асосий манбадир. Зарафшон дарёси қадимий ва рекреация объектларига бой яхлит ҳудудий рекреацион мажмуа ҳисобланади.

Самарқанд вилоятининг гидрологик ёдгорликлари, жумладан, тоғ этаклари ва тоғ оралиғи сойларида табиий равишда ҳосил бўлган табиат манзаралари, яъни тоғ шакллари, чуқурликлар, ғорлар, булоқлар, чашма сувлари ва хоказолар минтақа туризми имкониятларини оширади.

Чақилкалон, Қоратепа, Омонқўтон тоғларидаги булоқ сувлари машҳур минерал сувлардан қолишмайди. Чунончи, бундай жойларда рекреацияни соғломлаштириш турини ривожлантириш имконини беради. Шунингдек, вилоятдаги мавжуд шифобахш ва тиббиёт ҳамда бошқа соҳаларда кенг фойдаланиладиган булоқ, чашма сувлари ва балчиқлар аҳоли соғлиғини тиклаш, соғломлаштириш ва дам олиш учун қулай шароит яратади. Ўз ўрнида улар рекреация аҳамиятини ҳам кенгайтиради. Бундай масканлар вилоятнинг Ургут, Самарқанд, Нуробод ва бошқа туманлари тоғ ва тоғолди худудларида мавжуд бўлиб, улардан рекреация мақсадида фойдаланиш имкониятлари юқоридир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ўзининг гўзал табиати, ўсимлик дунёси билан бошқа республикалардан ажралиб туради. Мамалакатимизга ташриф буюрадиган сайёҳларни қадимий ёдгорликлардан ташқари минг йиллик тарихни эслатувчи дарахтлар ва табиатнинг нодир табиий ёдгорликлари бисёрдир. Шу боис, улардан рекреация нуқтаи назаридан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун минтақа «яшил бойлиги»ни географик жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Самарқанд вилоятининг суғорилмайдиган, ҳайдалмайдиган тоғ ва тоғолди текислик, шунингдек, чўл ҳудудларида ҳар хил ўсимликлар кенг тарқалган. Булар ичида энг кўп тарқалганлари эфимер, эфимероидлар ва вегетация даври қисқа давом этадиган ўсимликлар ҳисобланади. Минтақанинг катта ҳудуди суғорма деҳқончилик воҳалари бўлиб, бу ерда қишлоқ хўжалик экинлари етиштирилади.

Вилоятнинг яйлов ўсимликларига ранг, қўнғирбош, буғдойиқ, қилтиқ, чатир кабилар киради. Чўл минтақаси бир йиллик эфимерлар ва кўп йиллик (қизғалдоқ, қўнғирбош, селен, саксовул, куёнсуяк, шувоқ, қизилмия ва ҳ.к) ўсимликлар билан қопланиб ётади (Ҳалилова, 1984). Бироқ, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ўсимликларнинг 120 дан ортиқ тури, жумладан, 100 га яқин доривор ва шифобахш ўсимликларнинг мавжудлиги тиббиёт рекреациясини ривожлантириш имкониятларини яратади.

Тоғ ва тоғ олди ҳудудлар ниҳоятда ранг-баранг ўсимликлар дунёсига бой бўлиб, унда ёнғоқ, олма, тоғолча, арчазорлар мавжуд. Омонқўтон ўрмонлари (майдони 2158 гектар, бу ерда 1887 йилда дастлабки кўчатлар экилган) ўзига хос ландшафт шаклларини вужудга келтиради. Бу ерда гледичия, қайрағоч, дўлана, акация, грек ёнғоғи, заранг, Қрим қарағайи ва бошқа кўплаб дарахтлар мавжуд. Омонқўтон ҳудудининг иқлим ва ўсимлик дунёсини ўзига хослиги бу жойда кўплаб дам олиш зоналари, оромгоҳлар қуриш имкониятини берган.

Самарқанд вилоятида бундан ташқари, Оҳалик тоғ ўрмон дам олиш зоналари мавжуд. Бу ердаги дам олиш уйлари (ҳозирги пайтда кўпроқ сайёҳларга хусусий тадбиркорлар хизмат кўрсатмоқда), «Ёшлик» туристик базаси ва бошқалар ўзининг қулай иқлимий, ландшафт ҳамда гўзал табиати билан ҳудудда мавсумий дам олиш маконларининг жойланишига сабаб бўлган.

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, вилоят ҳудудининг аксарият жойларида, айниқса баҳор ойининг ўрталарида ўсимлик дунёсининг ниҳоятда гўзал манзарани ҳосил қилиши мавсумий ҳамда қисқа муддатли сайёҳликни ташкил этиш учун имконият яратади.

Вилоят туманларидаги асрлар давомида сақланиб келинаётган дарахтлар ҳам рекреация аҳамиятига эгадир. Ургут (Юқори Чор-чинор, 1020 йиллик), Каттакўрғон (Қорадарё қишлоғида 565 йиллик чинор, Тим қишлоғида 1000 йиллик арча), Жомбой (Ҳолвойи қишлоғида) ва бошқа туманларда минг йиллик дарахтлар сақланиб қолган.

Вилоятнинг ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хилдир. Тоғ ва тоғ олди минтақасида судралиб юрувчилар, қушлар, туёқлилар оиласининг вакиллари, ҳашаротлар ва бошқалар кенг тарқалган бўлиб, улар айниқса баҳор, ёз ойларида шу жойлар ландшафтига ўзгача тароват ва ҳусн бағишлайди, сайёҳларнинг мароқли дам олиш ҳамда ов туризмни йўлга қўйиш имконини яратади.

Воҳа минтақасида қушлардан мусича, қалдирғоч, дала чумчуғи кабилар кенг тарқалган. Зарафшон қўриқхонасида вилоят ҳайвонот ва ўсимлик оламининг кўплаб вакиллари мавжуд. Чўл ва чалачўл минтақаси эса ўзига хос ҳайвонот оламига эга. Бу минтақада заҳарли судралиб юрувчилардан Туркистон агамаси, кўзойнакли илон, сарик илон, шунингдек, қушлардан бедана, чил каклик, тўрғай, сут эмизувчилардан сарик сассик кўзан, кўрсичқон, дала сичқони, тулки, қуён ва бошқалар учрайди. Бу эса тоғ ва текислик манзараларининг янада гўзаллигини яратишда ёрдам беради. Мазкур ҳудудларда ҳам ҳайвонот дунёсига қизиқувчи кишилар учун сайёҳлик маршрутларини жорий этиш мумкин. Аммо сайёҳат давомида албатта эҳтиёткорликка алоҳида риоя қилиш лозимдир.

Самарқанд вилояти тоғ ва тоғ олди минтақалари турли-хил рекреацион объектларнинг бойлиги билан ажралиб туради. Шу ўринда Чақилкалон тоғлари айниқса ноёб табиат ёдгорликлари кенг тарқалганлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, тизмада юра даврида яшаган чиғанокларнинг тошга айланиб қолган скелетлари жуда яхши сақланиб қолган. Бу жой дунё бўйича ягона қўриқхоналардан ҳисобланади. Шунингдек, бу ерда геологик рекреация объекти сифатида мраммар қазиб оладиган ва ишлов берадиган жойлар билан танишиш, гранит тошлардан тегирмон тоши ясаш жараёнини маҳаллий ҳамда чет эллик сайёҳларга кўрсатиш мумкин.

Геоморфологик туристик объектларга Камонгарон, Вахашти, Ғўс қишлоқлари устидаги ўта тик чўққи тизмалар, чуқур даралар, турли шаклга ўхшаш қоя тошларни ҳамда чўпон шаклидаги қоятошлар киради.

Чақилкалон тоғлари гидрологик ёдгорликларга бой бўлиб, бу ерда шифобахш булоқлар, гўзал шаршаралар, ғор сувлари, ажойиб кўллар бор. Ургут шаҳрида Юқори Чинор тагидан чиқадиган булоқ ҳам ўзига хос гўзал ва такрорланмасдир. Унинг сув ҳажми 50-60 л/сек. га эга, бу ажойиб булоқ ва унинг атрофидаги минг йиллик чинорлар туристик аҳамиятга эга. Албатта, шу булоқ ва чинорларга сайёҳлар эътиборини қизиқтириш учун ҳовузлар қуриш ва хизмат турларини ташкил қилиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан Келси ва Лев ғорларидаги карст булоқ сувлари, Қайнар булоқ, Роҳат булоқ, Муз булоқ ва Алвасти кўллари, Ғуссой, Камонгарон сойларидаги шаршараларни сайёҳлик маршрутларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги қадимий Равотхўжа сув айирғичи, эрамиздан аввал қурилган Дарғом канали, Эски Туятортар каналини ҳам сайёҳларга кўрсатиш катта аҳамиятга эга. Бундай жойларни реклама қилиш ва қизиқтириш орқали сайёҳларни кенг жалб қилиш мумкин. Чақилкалон тоғларида ўсимлик ёдгорликлари ҳам мавжуд. Омонқўтондаги ўрмонзорлар, арчазор ва ёнғоқзорлар ҳамда Зарафшон (Миёнқол)

тўқайзорлари минтақада рекреация, дам олиш ва туризмни ташкил этиш имконини беради.

Омонқўтон маскани табиатининг ўзига хослиги, ёғин микдорининг (Омонқўтонда 750-800 мм, Самарқанд шаҳрида эса 320-340 мм) воҳанинг бошқа жойларидан фарқ қилиши ўсимлик дунёсининг хилма-хиллигини таъминлайди. Ана шу хусусиятларни эътиборга олган ҳолда 1880 йиллардан бошлаб бу ерда сунъий ўрмонзорлар барпо этиш бошланди. Аммо сайёҳларга Омонқўтон ҳавзасидаги ўрмонзорларни кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш, махсус йўлакчалар қуриш лозим. Самарқанд воҳасини Қашқадарё воҳаси билан бирлаштирган бу маскан Искандар Зулқарнай юришлари, араблар истилоси даврида ҳамда Амир Темур давлатининг энг серқатнов йўлларида бири бўлган. Тахти Қорача давонидаги эски йўл ва иморат харобалари бунинг яққол исботидир.

Ўсимликлар ва уларнинг доривор ўтлари (зира, кийик ўти, андиз, тоғ райхони ва бошқалар) билан қизиқувчи сайёҳлар учун табиат катта хазина ҳисобланади. Шундай масканлардан яна бири Зарафшон дарёси атрофидаги тўқайзорлар ҳисобланади. Улар тўқай ландшафтининг қолдиғидир. Туқайда Зарафшон тустовуғи, қашқалдоқ, тўқай мушуги, келтириб боқилаётган хонгил кийигини учратиш мумкин. Бу ўз навбатида, минтақада ов туризмни ташкил этиш ва ривожлантиришга замин яратади.

2.2. Самарқанд вилояти рекреацион ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари

Ҳар қандай давлат ўзининг табиий ва тарихий бойлиги билан қудратли ҳисобланади. Ҳар бир халқ давлатининг ер ости ва усти бойликлари, улкан тоғлари ва ўрмонлари, дарё ва кўллари, йирик шаҳарлар ва гўзал иншоотлари билан ўз куч-қудратини намоён этишга ҳаракат қилади.

Бугунги кунга келиб Самарқанд вилояти ҳудудлари ҳам ўзининг табиий ва тарихий рекреацион ресурслари билан мамлакатимизнинг бошқа табиий ҳудудларидан ўзгача ажралиб туради. Бу заминда барча табиий бойликлар ўз аксини топган. Лекин вилоятимизда дам олиш масканларининг кўпайиб бораётганлигига қарамай, улар халқимизнинг дам олиш борасидаги эҳтиёжларини тўла қондира олади деб бўлмайди. Инсонларни табиат кучоғида, хушманзара ва оромбахш гўзал жойларда сайр этиб дам олишларини ташкил этиш, табиат томонидан яратилган ноёб ёдгорликларни сақлаш ва улардан турли мақсадларда оқилона фойдаланиш устида бир қатор амалий, илмий ишлар бажарилиши керак.

Самарқанднинг сўлим боғлари, мусаффо ҳавоси, шифобахш сувлари, мафтункор табиати қадимдан кишиларни ўзига жалб қилиб келган. Вилоятнинг Ўрта Зарафшон дельтаси атрофларининг табиий ландшафтлари ҳам турли гўзал хушманзарали дам олиш масканларидан ҳисобланади. Унинг Ургут, Оҳалик, Ғўбдин тоғлари бўйлаб сайёҳат қилганлар табиатнинг мўъжизаларига яна бир бор иқдор бўладилар (А.С.Солиев, М.Р.Усмонов, 2005).

Самарқанд вилоятининг Чақилкалон ва Қоратепа тоғларида рекреацион ресурслардан фойдаланиш имкониятлари бошқа ҳудудларга нисбатан юқори ҳисобланади. Чунки, вилоятдаги Пиёзли ғор, Ҳазрати Довуд ғори, Лев ғори, Келси шахта ғори ва Амир Темур ғорлари, Чақилкалон ва Қоратепа тоғларидаги табиий манзаралар, ушбу тоғлардан оқиб тушаётган шифобахш булоқ сувлари кишиларни ҳамма вақт ўзига жалб қилиб келмоқда. Бунга иқлим ресурсларининг қулайлиги, табиий-минерал сувларга бойлиги рекреация ресурсларининг истиқболли йўналишларини ташкил этишга катта имконият яратади. Бу эса рекреациянинг соғломлаштириш турини ривожлантиришга имкон беради. Вилоятдаги Ўрта Зарафшон воҳасининг тоғ ва тоғ олди ҳудудларида ўсимликларнинг доривор ва шифобахш турларини мавжудлиги тиббиёт рекреациясини ривожлантириш имкониятларини яратади. Шу ўринда ушбу ҳудудларда рекреацион муассасаларни қуриш, рекреацион ресурслар захираси, уларнинг турли-туманлиги, рекреация учун фойдаланишда қулайлиги, транспорт турлари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланиши каби бирликлар ҳисобга олинади, табиий-иқтисодий-рекреацион хусусиятлар чуқур ўрганилади. Сўнгра ўзга ҳудудларни қиёсан ўрганиш талаб этилади.

Вилоят ҳудудида Зарафшон дарёсининг оқиб ўтганлиги, Каттакўрғон, Қоратепа, Хишрав ва Оқдарё сув омбори ҳамда тоғ олди ҳудудларида кўплаб булоқ ва сойларнинг мавжудлиги гидрологик-рекреацион ресурсларни ривожлантириш имкониятини беради. Бундан ташқари Зарафшон кўрикхонасидаги тўқай ландшафтлар, Ургут шаҳридаги қадимий чинорлар, Омонқўтондаги ўрмонзорлар, тоғ олди ҳудудларидаги табиий ландшафтлар ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ўзгача дам олиш хусусиятига эга бўлиб, улардан рекреацион мақсадларда фойдаланиш зарур (жадвал-1).

Самарқанд вилоятининг рекреация объектлари

№	Туманлар	Рекреация объект ва масканлар
1	Қўшрабат	Оқтоғ ва Қоратоғ этаклари, «Қўшғоч» минерал суви, минерал сув атрофидаги 3-каватли санатория, марказий истироҳат боғи, «Пангат» оромгоҳи, Қисмиқсойнинг хушманзара ва дам олиш жойлари
2	Иштихон	Тўсинсой-Оқдарё сув омборлари, Дамхўжа суғорий тугуни, болалар оромгоҳи, истироҳат боғи, дарё атрофи тўқай ландшафтлари, мева ва тоқзорлар
3	Пайарик	«Имом ал Бухорий» зиёратгоҳи, Оқдарё, марказий истироҳат боғи, кўп йиллик чинорлар, дарё, тўқай ландшафтлари
4	Жомбой	Зарафшон дарёси атрофидаги тўқай ландшафтлар, Зарафшон кўриқхонаси, пляжлар, истироҳат боғи, даволаниш маскани
5	Оқдарё	Миёнкалға, Оқдарё ва Қорадарё туқайзорлари, «Камолот» истироҳат боғи, «Маҳдуми Аъзам Дахбедий» зиёратгоҳи, балчик усулида даволайдиган «Устоз» санаторияси
6	Пастдарғом	Қорадарёнинг чап соҳили ландшафтлари, Дарғом канали, болалар оромгоҳи, «Ошиқ ота» зиёратгоҳи, мева ва тоқзорлар
7	Каттақўрғон	Каттақўрғон сув омбори, «Ёшлик» истироҳат боғи, Каттақўрғон даволаниш маскани
8	Нуробод	Нурбулоқ (Нагорная) санаторияси, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи, тоғ ландшафтлари, булоқ ва сойлар, кўп йиллик дарахтлар (Тим)
9	Нарпай ва Пахтачи	Қорақўтон олтин қони, «Дабуссия» қалъаси, қадимий сардобалар, Зарафшон дарёси соҳилларининг дам олиш жойлари
10	Булунғур	Ғубдин тоғи, Зарафшон кўриқхонаси, туман истироҳат боғи
11	Тайлоқ	Янги дарғом канали, Эски Жумабозор, Қорасув ер ости булоқ сувлари, «Банди кушон» зиёратгоҳи, Амир Темур боғлари
12	Ургут	Ургут чинорлари, Ғовсул Аъзам зиёратгоҳи, Чор-Чинор мажмуаси, минг йиллик арчазорлар, Лев, Келси, А.Темур ғорлари, Омонқўтон рекреация объектлари ва тоғ ландшафтлари, карст булоқ сувлари, сойлар, Работхўжа сув тақсимлаш иншооти, Дарғом канали, Мўминобод ва Қоратепа сув омбори, Эски давон йўллари ва х.к

Жадвал муаллиф томонидан тузилган

Хусусан, бу ҳудудларда рекреациянинг бир неча турларини ривожлантириш имкониятини, унинг бойликларидан оқилона фойдаланишни ташкил этишнинг амалий аҳамияти беқиёсдир. Ҳозирги вақтда улардан ижтимоий-иқтисодий мақсадларда фойдаланиш ва ҳудудий жиҳатдан самарали ташкил этиш имкониятларини яратиб, қирраларини илмий асослаб бериш мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшиши муқарардир.

2.3. Самарқанд вилояти рекреация объектларидан фойдаланиш ҳолати

Табиий рекреация ресурслари қаторига тоза ҳаволи гўзал табиат гўшалари (ландшафтлари) киради. Улар дарё, кўл, денгиз бўйлари, тоғ этакларидаги ўсимлик дунёси, хилма-хил бўлган манзарали жойлар, минерал сувли шифобахш масканлар бўлиши мумкин. Аҳолининг дам олиши, спорт билан шуғулланиши, ов қилиш имкониятлари кенг ҳудудлар, марказий шаҳар атрофидаги яшил минтақалар, парк ва боғлар ёки махсус кўрикхона ва миллий боғлар ҳам рекреация ҳудудларидир. Республика Президентининг табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги фармонида табиат томонидан яратилган ноёб ёдгорликларни сақлаш ва улардан туризм, тиббиёт ва бошқа мақсадларда оқилона фойдаланиш ҳам назарда тутилган. Самарқанд вилоятида қисқа муддатли дам олиш жойлари айниқса табиий дам олиш масканлари кўплиги билан бошқа вилоятлардан ажралиб туради.

Ўзбекистонда табиат инъом этган минглаб табиий обидалар ва ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг сайёҳликнинг турли йўналишлари айниқса, экотуризмни ривожлантиришда аҳамияти катта (А.Солиев, М.Усмонов 2005). Самарқанд вилоятининг табиий шароити, ер усти тузилиши, яъни рельефи жануб ва шимол ҳамда шимоли-шарқ томонларининг тоғ ва тоғликлардан иборатлиги ҳам рекреация ва туризмда унинг бир тармоғи бўлган қисқа муддатли дам олиш жойларини ривожлантиришда аҳамияти каттадир. Вилоят шимолида Нурота (Оқтоғ, Қоратоғ, Ғубдин тоғлари), жанубдан Зарафшон тоғ тизмалари (Чақилкалон, Қоратепа, Зиёвуддин, Зирабулоқ тоғлари) билан чегараланади. Ер усти тузилиши умуман олганда унинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда жойлаштириш учун қулай. Тоғ ва тоғолди ҳудудлар ниҳоятда ўсимлик дунёсига бой бўлиб, ранг-баранг ўсимликлар ва (ёнғоқ, олма, тоғ олча, арчазорлар, равоч, тоғ ялпизи каби ўтлар ўсади) наматак, зирк, дўлчор ва ирғай каби буталар ўсади. Тоғларда ёз салқинроқ, чўлдагига нисбатан қисқароқ бўлади.

Тоғларнинг шимолий ёнбағирлари жанубий ёнбағирларига нисбатан салқин. Намроқ бўлган жойларда ўтлар ёз бўйи кўм-кўк бўлиб ўсиб туради. Тоғларнинг ғарбий ёнбағирларида шарқий ёнбағирларига нисбатан ёғин кўпроқ бўлади. Бинобарин, бу ёнбағирларда ўсимликлар ҳам кўпроқ ва қалин ўсади. Бу эса вилоятимизнинг аҳолисини, қолаверса тоғ туризмга қизиқиб келган сайёҳларнинг йил давомида мавсумий ёки қисқа муддатли дам олиши учун жуда қулай ҳисобланади.

Вилоятнинг тоғ ва тоғолди жойларидаги рекреация ресурсларидан фойдаланишда транспорт турларининг аҳамияти катта. Тоғ ва тоғолди жойлари экотуристик

ландшафтларидан фойдаланиб, рекреация ресурсларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Бу тоғларнинг мусаффо ҳавоси, шифобахш сувлари, мафтункор табиати қадимдан кишиларни ўзига жалб этиб келган. Зарафшон воҳасининг марказий қисмини Самарқанд чўкмаси ишғол қилган бўлиб, шимол ва жануб томонлари ўрта қисми томон қияланиб, шарқдан ғарбга 100-350 метргача пасайиб боради. Марказий қисмини Зарафшон дарёси кесиб ўтиб, террасаларга ажратади. Вилоят жанубини Зарафшон тоғлари эгаллаган бўлиб улар палеозой эрасининг оҳактош, гипс ва кристалли сланец жинсларидан иборат. Бу тоғ тизмаси вилоят ҳудудида Чақилкалон, Қоратепа (энг баланд жой – 2204 м.) каби тоғларни ҳосил қилади ва ғарбга томон текисланиб, Жом чўлига туташади. Бу минтақада табиий-туристик объектлардан ғорлар, нураш натижасида ҳосил бўлган турли тош шакллари ва бошқа экзотик кўринишдаги табиий обидалар вужудга келган.

Вилоятнинг Оҳалик, Ургут, Ғубдин тоғлари бўйлаб сайёҳат қилганлар табиатнинг мўъжизаларига яна бир бор иқдор бўладилар. Ҳозирги пайтда бундай жойларда қисқа муддатли дам олиш имкониятлари бўлса ҳам ундан тўлалигича фойдаланилмаяпти. Зарафшон тоғларидаги Омонқўтон ўрмонларига (2158 га. бўлиб) дастлаб 1982 йилдан бошлаб кўчатлар экилган. Бу эса Омонқўтон ҳудуди табиатининг ўзига хослиги, ёғин миқдорининг 750-800 мм, Самарқанд шаҳрида 320-340 мм эканлиги, воҳанинг бошқа жойларидан фарқ қилиши ўсимлик дунёсининг хилма-хиллигини таъминлайди. Ана шу хусусиятларни эътиборга олган ҳолда 1980 йиллардан бошлаб сунъий ўрмонзорлар барпо этиш бошланди. Аммо сайёҳларга Омонқўтон ҳавзасидаги ўрмонзорларни кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш, махсус йўлакчалар қуриш лозим. Омонқўтон тоғининг энг характерли хусусияти шундан иборатки, унинг иқлим ва ўсимлик дунёси ўзига хослиги билан бу жойда кўплаб дам олиш зоналарини, оромгоҳлар қуриш имкониятини берган. Айниқса, тоғларни кўндалангига кесиб ўтадиган сой ёки сойликлар бўйлаб сайёҳат ўтказиш қизиқарли бўлиши табиий. Чунки бундай гидрологик элементлар тоғнинг ўзига хос «кесмаси» ёки профили бўлиб, унда қисқа муддатли сайёҳат (пиёда-экскурсия) давомида турли хил манзаралар, ландшафтларнинг ўзгариб бориши кузатилади.

Самарқанд-Омонқўтон йўналишидаги маршрут вилоят аҳолисининг қисқа муддатли ҳамда мавсумий сайёҳликнинг асосий масканларидан ҳисобланади. Омонқўтондаги оромгоҳлар кўплаб ўқувчи-ёшларнинг ва талабаларнинг дам олиш масканидир. Шунингдек, бу ерда ҳар хил ёшдаги сайёҳлар (мавсумий қисқа муддатли) бир кунлик, икки кунлик шанба, якшанба кунлари дам олиши мумкин. Биз вилоятимиз аҳолисини, айниқса, шанба, якшанба кунлари ана шу жойларга боришлари учун жалб этишимиз лозим. Омонқўтон дам олиш маскани кўплаб сойликлардан иборат бўлиб, бу ерда қуйидаги сайёҳлик маршрутларини ташкил этиш мумкин (Солиев А., Усмонов М., 2005).

1. Омонқўтон-Жийдалисой-Вахшарзор-Тахти Қорача довони.
2. Омонқўтон -Тераксой қирларигача (сурма қазиб олинадиган ғорлар)
3. Омонқўтон-Йўлсой-Эски Довон
4. Омонқўтон-Косонсой-Янги Довон-Мингчинор-Китоб
5. Омонқўтон-Косонсой-Алвасти кўлигача.
6. Омонқўтон-Булбулзорсой ва х.к.

Омонқўтон ҳудуди рельефининг хилма-хиллиги, морфологик тузилишининг хусусиятига кўра унинг территориясида битта морфологик бирлик, яъни тоғлик яққол ажралиб туради. Бу ҳудудда тоғ тизмасининг йўналиши бўйлаб денудацион юзали, карст жараёнлари ривожланган, сувайирғичли пояслар ётади. Бу пояс тоғнинг энг баланд жойларини 1700 метрдан 2200 метргача бўлган қисмини ўз ичига олади. Шу ўринда Чақилкалон тоғларининг баландлиги 2500 метргача етади ва силур ва девон ёшидаги кучли ёриқланган, сув осон эрийдиган охактош жинслардан ташкил топган. Омонқўтон сув ҳавзаси Чақилкалон тоғининг ғарбий қисмида жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Омонқўтон сув ҳавзасида Жийдасой, Булбулзорсой, Йўлсой, Майдонсой, Консой, Шохаксойларнинг суви доимий сув оқимиға эға. Шуни қайд этиш лозимки, бу доимий сув оқимиға эға бўлган сойларни ҳаммаси ўнг ёнбағри қалин делювиал тоғ жинслари билан қопланган ва ётқизиклар устида ўсимликлар тиғиз ўсади. Шунинг учун бу ерларда доимий сувға эға бўлган минерал булоқлар кўп.

Ҳар бир ҳудуд ўзига хос рекреация ресурслар тизимиға эға. Инсон бўш пайтларида фойдаланиладиган ресурслардан тўғри фойдаланса жамиятнинг иқтисодий, маданий, ижтимоий тараққиётини пухта ўрганади. Ҳар қандай давлатда меҳнаткаш инсон унинг асосий бойлигидир. Шу туфайли ҳам унинг соғлигини асраш давлатнинг куч-қудратли бўлишида етакчи омил ҳисобланади. Давлатнинг ўз фуқароларига ғамхўрлигининг ёрқин маънавий намунаси рекреацион фаолиятни илмий жиҳатдан тўғри ташкил этилишидир..

Бугунги кунға келиб Омонқўтон сув ҳавзасида рекреацион мақсадда фойдаланиш имкониятлари юқори. Инсонларнинг дам олиши ва табиат қўйнида маънавий-эстетик ҳордиқ чиқаришлари, турли хил касалликларни даволаш, ўзига хос турли табиий, кимёвий хусусиятларға эға бўлган табиат омилларидан фойдаланиш имкониятлари кўп. Шу сабабли минерал сувлардан даволаш мақсадида фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш давр талаби бўлиб келмокда.

Омонқўтон ҳавзасининг ободлиги табиий, маданий-тарихий мажмуаларнинг даражасига, дам олувчиларға кўрсатилаётган хизмат ҳолатига жуда катта зарурат сезади. Экскурсиялар, мевалар териш, тоғ спорт ўйинлари, чўмилиш машғулотлари, иқлимий, балчиқ усулида даволаш, табиат қўйнида сайр қилиш каби омиллар организмнинг

фаолиятини қайта тиклашга кўмак беради. Рекреация мақсадлар учун айниқса, Омонқўтон ҳудудида дам олишни самарали ташкил этишда фойдаланиладиган ерларни хариталаштириб, табиатни муҳофаза қилишнинг асосий йўллари белгиланиб, рекреация ресурсларидан фойдаланиш усуллари кўрсатиб бериш керак.

Омонқўтон ҳавзаси ландшафтига илмий асосда муносабатда бўлиш, яъни табиий ландшафт ёки табиат ёдгорликлари (табиатнинг нодир жойлари ва ўрмонлари, Булбулзорсойдаги Лев ғори ва минерал булоқ сувлари) ўз ҳолича сақланиши керак. Бу ўринда ҳудудда ижобий ишлар қилинмоқда. Чунончи, «Баҳора», «Дўстлик», «А.Темур» ва «Юлдузча» ёзги дам олиш туристик базалари вилоят ва қўшни вилоятлар аҳолиси учун хизмат қилиб келмоқда. Аҳолига сервис хизмат кўрсатиш соҳалари яхши йўлга қўйилган. Бундан ташқари, Омонқўтон ҳудудида қўшни вилоятларни боғлаб турувчи автомагистрал йўли ўтганлиги бу жойларда мавсум бўйича Омонқўтон табиати қўйнида, минерал ва булоқ сувларидан соғлиқни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш имкониятлари кўп. Шуни қайд қилиш лозимки, бу ердаги булоқларнинг сув режими метеорологик шароитининг қисқа муддатли ўзгариши, сувнинг кўп бўлиши ёмғирнинг кўп ёғиши билан боғлиқ эмас. Бу ҳодисанинг сабаби, оҳақтошларда ер ости сувлари циркуляцияси чуқурлигининг катталигидир (Рахматуллаев О., 2000). Масалан, Омонқўтон рестранлари олдидаги булоқларнинг юзага келишида оҳақтошлар остида кристаллик ва гили сланецларнинг жойлашганлиги сабаб бўлган.

Омонқўтон табиатининг рекреация қиймати унинг ҳудуд ландшафтларининг хилма-хиллиги билан белгиланади. Уни тўлалигича ўрганиш ва табиий рекреация ҳажмига асосланиб ҳавзанинг турли қисмларида рекреация комплексларини барпо этиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Шу сабабли ушбу ҳудудда рекреантлар ва туристлар талабини қондирадиган барча қулайликлар яратилган бўлиши зарур. Мавжуд ресурсларга алоҳида эътибор қаратган ҳолда иқтисодни кўтариш манбаи бўлган рекреация ресурсларнинг барча типларини ривожлантириш замон талаби бўлиб келмоқда. Омонқўтон ҳавзасида рекреацияни ривожлантириш учун жуда катта имконият борлигини кўрамыз. Қолаверса, уни тараққий эттиришга етарли шарт-шароит мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, рекреация ресурсларининг барча типларини йўлга қўйиш орқали аҳолининг жисмоний, маънавий соғлом бўлишига, молиявий, ижтимоий аҳволини яхшилашга эришиш мумкин.

Самарқанд вилоятида бундан ташқари, Оҳалик тоғ-ўрмон дам олиш зоналари мавжуд бўлиб, бу ерда ҳам дам олиш уйлари ҳозирги пайтда маҳаллий сайёҳларга, хусусий тадбиркорларга хизмат кўрсатмоқда. «Ёшлик» туристик базаси ва бошқалар бевосита қулай иқлимий, ландшафт ҳамда гўзал табиат, яъни экотуристлик имконияти

билан ҳудудда мавсумий дам олиш масканларининг жойлашишига сабаб бўлади. Шу ўринда вилоят аҳолисининг қисқа муддатли мавсумий дам олиши учун Чақилкалон тоғлари айниқса, баҳор ойлари ноёб табиат ёдгорликлари билан кенг тарқалганлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, туризмда юра даврида чиғаноқларни тошга айланиб қолган скелетлари жуда яхши сақланиб қолган. Бу жой дунё бўйича ягона қўриқхоналардан бири ҳисобланади.

Геологик, туристик объект сифатида мармар қазиб оладиган ва ишлов берадиган жойлар билан танишиш, гранит тошлардан тегирмон тош яшаш жараёнини маҳаллий ҳамда чет эллик сайёҳларга кўрсатиш мумкин. Ғорлар ва турли шаклдаги тошлар супасимон текислик, ўткир чўққилар, жимжимадор зинапоялар ва бошқалар геоморфологик ёдгорликларга киради.

Табиатнинг ўзи ясаган ноёб рельеф, тош ҳайкаллар, алоҳида диққатга сазовор жойларни жонсиз табиат деб аташимиз мумкин. Табиат музейларига 1 дан то 10-15 гектар ерларни, ҳатто 5-6 м² ерни эгаллаган ерларни киритиш мумкин (Ҳайитбоев Р. ва бошқалар, 2004). В.И. Вернадский сўзи билан айтганда биосферада сайёрамининг бутун тирик организмлари яшагани учун тирик табиат; литосфера, гидросфера ва атмосфера эса нотирик табиат деган. Бундай жойларга табиат музейларини киритган.

Табиат музейлари ўзининг алоҳида диққатга тортиши, эстетик завқ бериши, ҳайрон қолдириши билан умумий кўринишдан ажралиб туради. Минтақада жойлашган музейлар ичида энг қизиқарли, шу жумладан муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлганларидан бири ғорлар ҳисобланади. Ғорларнинг инсон ҳаётида муҳимлиги шундан иборатки, ғорлардан чиққан сувларнинг кўпчилиги ҳар хил касалликларни даволовчи-шифобахшлик хусусияти билан ажралиб туради. Шунини айтиш лозимки, ғорлар иқлими ер юзидаги бирор жой иқлимига ўхшамайди. Бунинг сабаби, ғорларда турли микроблар ниҳоятда кам бўлиб, тозаллиги жиҳатдан у ўрмон ёки тоғ ҳавосига ўхшайди. Инсонлар ғорларни кўришга борганда ғор ичида ўзини жуда яхши ҳис қилади (Маматқулов М., 1991).

Карст ғорлар Чақилкалон, Қоратепа, Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғларида кенг тарқалган. Чақилкалон тизмасида карст рельеф шакллари, яъни ғорларнинг ҳосил бўлиши учун барча табиий географик шароитлар етарли. Олиб борилган дала тадқиқотлари ва илмий адабиётлар таҳлили асосида тўпланган маълумотларга кўра бу тизмада жами 113 та, шундан 75 та вертикал ва 38 та горизонтал карст ғорлари мавжуд эканлиги аниқланди (Марупов В., 2009). Қоратепа тоғларида 23 та, Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғларида 19 та ғор мавжуд. Зиёвуддин-Зирабулоқ тоғларидаги Куруксой, Пиёзли, Ғунжак ғорлари минерал сувларга бой ҳисобланади. Турли кўринишдаги минералларга, дарахтларга, ҳайвон гавдаларига, гул-даста ва бошқа шунга ўхшаш кўринишларга эга (Маматқулов М., 1991).

Ғорлардаги турли хил манзарали кўринишлар туристларни қизиқарли масканларига айланиши мумкин. Бундан ташқари Хазрати Довуд, Амир Темури ғорларини девор шиплари қоплама шакллар билан безалганлиги туристлар учун гўзал масканларга айланган.

Омонқўтон ғори энг қадимги ғорлардан бўлиб, бундан 35 минг йил илгари одамлар яшаган қароргоҳ ва одам ва ҳайвонлар суяги ва маданий ёдгорликлардан бўлиб Д.Н.Лев томонидан очилган. Келси шахта ғори киевлик олимлар томонидан 1980 йилда топилган. Бу ғорнинг чуқурлиги 800 метрдан ошади. Олимларнинг изланиши туфайли ғорларни шифобахшлиги ҳам ўрганилган. Олиб борилган текширишларда ғор ҳавоси нафас олиш йўллари билан касалланган ва қон босими ошган беморларга жуда даво ҳисобланади. Ғорларда даволанган кишиларнинг қон босими пасаяди ва 6-12 ойлаб ўзгармаслиги маълум бўлади (Маматқулов М., 1991).

М. Абдужабборов ва М. Ҳошимовларнинг таъриф беришича, ғорнинг кириш қисмининг баландлиги 4 м, узунлиги 240 м бўлиб, у уч қисмдан иборат: яъни биринчи қисми катта, ўрта қисми анча тор ва кейинги қисмлари тор йўлакчалардан иборатлиги ўтиш учун мушкул дейишган. Бундай ғорлар ғор алпинизми билан шуғулланувчи сайёҳларни қизиқтириши шубҳасиздир.

Ғорлардаги сув ҳар хил беморларни, айниқса, тери касалликларини, буйрак, асаб, ошқозон, юрак хасталикларига дучор бўлган беморларни дарддан кутулишига ёрдам беради. Лекин бундай жойларда даволаниш масканлари ва курортлар барпо этилмаган. Биз биламизки, ғорларнинг яна бир хусусияти совуқхона вазифасини бажаради. Қишин-ёзин бир хил ҳароратда бўлади. Ҳарорат бир хил бўлганлиги туфайли маҳаллий аҳоли қадимда совуқхона сифатида фойдаланиб келишган. Ҳозирги иқлим шароитида ғорларда гўшт, ёғ, балиқ, сут-қатиклар, мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш имконияти юқори. Шунинг учун ҳам ғорлар турли мақсадларда ва ер ости сайёҳатининг ёқтирувчилар учун ажойиб манзилгоҳлардан бири саналган.

Ҳозирги вақтда А.Темур, Омонқўтон, Хазрати-Довуд, Ғунжак ва Пиёзли ғорларига минглаб кишилар кириб, гўзаллигидан завқ олиб кетишади. Лекин ғорларнинг ичига кириш осон эмас. Шунинг учун ҳам ғор туризмни ривожлантиришда туристлар учун имкониятлар, ёруғлик, бетон йўллар ва бошқа имкониятлар муҳайё қилинган бўлиши шарт. Масалан, Хазрати-Довуд ғорига ўртача 500-780 мингдан кўпроқ чет эл ва маҳаллий сайёҳлар бориб томоша қилади. Ғорнинг узунлиги 50 метр, майдони 128 м², ҳажми 1152 м³ни ташкил этади. Ғорга пастликдан тепаликка чиқишда ва киришда маҳсус бетон йўлаклар ва шам чироқлари ўрнатилган. Лекин туризм мақсадида фойдаланишда имкониятлар етарли даражада эмас.

Геоморфологик туристик объектларга Камонгарон, Вахшати, Ғўс қишлоқлари устидаги баланд чўққи тизмалар, чуқур даралар, турли шаклдаги ўхшаш қоятошлар ҳамда бўрон шаклидаги қоя тошлар киради. Чақилкалон тоғлари гидрологик ёдгорликларга бой бўлиб, бу ерда шифобахш булоқлар, ғўзал шаршаралар, ғор сувлари, ажойиб кўллар бор. Бу кўллар атрофида табиатга зиён етказмасдан қисқа муддатли рекреация ресурсларини янада ривожлантириш, мавсум бўйича, айниқса баҳор, ёз, куз ойларида жорий этишимиз лозим. Ургут шаҳрида юқори чинор тагидан чиқадиган булоқ ҳам ўзига хос ғўзал ва такрорланмасдир. Унинг сув ҳажми 50-60 литр/сек эга, бу ажойиб булоқ, унинг атрофидаги минг йиллик чинор нафақат Ургут тумани аҳолиси учун, балки вилоят аҳолисининг шанба, якшанба кунлари дам олиши учун жуда катта аҳамиятга эга. Албатта, шу булоқ, чинорларга, сайёҳларнинг эътиборини қизиқтириш учун ҳовузлар қуриш ва хизмат турларини ташкил қилиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан Келси ва Лев ғорларидаги карст булоқ сувлари, Қайнарбулоқ, Роҳатбулоқ, Музбулоқ ва Алвасти кўллари, Ғўссой, Камонгаронсойлардаги шаршараларни сайёҳлик маршрутларига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Самарқанд воҳасини Қашқадарё воҳаси билан бирлаштирган бу маскан Искандар Зулқарнайн юриши, араблар босқини ҳамда Амир Темур давлатининг энг серқатнов йўлларида бири бўлган. Тахта Қорача довоидаги эски йўл ва иморат ҳаробалари буни исботлайди. Ўсимликлар ва уларнинг доривор ўтлари (зира, кийикўти, андиз, тоғ райҳони ва бошақалар) билан қизиқувчи сайёҳлар учун катта ҳазина ҳисобланади. Улар тўқай ландшафтларининг қолдиғидир. Чақилкалон тоғида ғор туризмни ташкил этиш яна унинг бир тармоғи бўлган қисқа муддатли дам олиш жойларини ривожлантиришда ҳам аҳамияти катта. Чунки, вилоятдаги Пиёзлиғор, Ҳазрати Довуд ғори (Зиёвуддин тоғида), Лев ғори (Қоратепа тоғида), Келси шахта ғори (Қирқтов платосида) ва Амир Темур ғорларига (Самарқанд-Қашқадарё вилоятлари чегарасида) унинг атрофидаги ғўзал манзарали жойларга вилоят аҳолисини ҳамда сайёҳларни ҳордиқ чиқариш учун янада кўпроқ жалб этишда қулай шарт-шароитлар яратиш лозим. Амир Темур ғорининг баландлиги 8 метр, эни 1,5 метр, ғорга зим-зиё чуқур ёриқдан кирилади. Ғорнинг умумий узунлиги 450 метрдан зиёд. Унинг ўндан ортиқ зали ва бир қанча йўлаклари бор. Ғор ичидаги шифт ва деворлардан осилиб турган анча йирик, узунлиги 10-15 см дан 150 см гача, йўғонлиги 5-10 см келадиган сталактитлар мавжуд (Абдужабборов, 1990).

Ғорлар турли вазифаларни бажариши мумкин. Ҳаво ҳарорати паст бўлганлиги учун ёз кунларида ғорга кириб дам олиш мумкин ҳамда қиш ойларида кучли шамол ва ёғин-сочиндан сақланиш имконияти каттадир. Демак, вилоят ҳудудида мавжуд ғорлар табиат ёдгорликлари ҳисобланиб, уларни муҳофаза қилиш зарур. Ҳозирги вақтда ғорларни

томоша қилиш, уларнинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиш мақсадида мавсум давомида сайёҳлар сони ва уларга яратилган шароитлар яхшиланса, ғор туризми келажакда туризмнинг маълум бир тармоқларидан ҳисобланади.

Вилоят аҳолисининг айниқса, дам олиш кунлари зиёрат қилиш ва дам олиб ҳордик чиқариш учун ўртача қулайликка эга бўлган бу диний қадамжойлари фақат вилоят аҳолисининг эмас, балки кўшни вилоятлардан келган маҳаллий сайёҳларни ҳамда чет эллик туристларни қабул қилади.

Тоғ рельефи Самарқанд вилоятининг рекреация турларини амалга оширишдаги аҳамияти қуйидагича: Баҳор фаслида 800-1200 метргача паст тоғлар ва тоғ водийларида:

- Лолазор сайлига чиқиш;
- Кўкат сайлига чиқиш;
- Умумий ҳордик чиқариш.

Ана шу пайтда сайёҳатчиларнинг бемалол дам олишлари учун қўйидаги қулайликларга эга бўлган кўчма меҳмонхоналар (палаткалар) ташкил этилиши лозим. Бундай палаткаларни мавсумий ва қисқа муддатли сайёҳатларга чиқувчиларга таклиф қилиш мумкин. Кўчма уйларни Оҳалик, Омонқўтон, Зарафшон дарёси соҳиллари Қарноб чўлига ва бошқа табиати гўзал масканларига баҳор ойлари жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Ёз фаслида айниқса:

- Қисқа муддатли сайёҳат паст тоғлар ва тоғ водийлари, ўртача баландликдаги тоғларнинг 800-1200-2800 метргача бўлган жойларида шароит яхши.
- Алпинизм ва қояларга чиқиш унчалик яхши эмас, чунки, бизнинг вилоятимизда баланд тоғлар йўқ. Ўртача баландликда тоғларда овчилик сайёҳати бизда юқори даражада ривожланган эмас. Сабаби, тоғлардаги ҳайвонот олами кундан-кунга сони, тури камайиб бормоқда. Бу эса инсоннинг табиатга салбий таъсири билан боғлиқдир.
- Отда сайёҳат қилиш эса ўртача баландликдаги ва баланд тоғларда яхши.
- Табиатнинг ноёб ёдгорликларини бориб кўриш. Бу ҳам 1200-3000 метргача бўлган жойлар.
- Автомобилда сайёҳат. Бу паст тоғ ва тоғолдиларда 800-1200 метрдан 2800 метргача баландликдаги тоғларда яхши бўлади. Оилавий чиқиб табиатнинг хушхавосини ва гўзаллигини кўришга мушарраф бўлади. Ёз фасли қисқа ва узоқ муддатли дам олувчи сайёҳларга мўлжалланган.

Куз фаслида эса:

- Қисқа муддатли сайёҳат паст тоғлар ва тоғ водийлар 800-1200 метрдан то 3000 метргача бўлган жойларда бемалол шанба, якшанба кунлари дам олиш имкониятлари бор.
- Овчилик сайёҳати ҳам шундай, 800 метрдан 3000 метргача бўлган жойларда ҳам фойдаланиш мумкин.
- Отда сайёҳат эса 1200 метргача бўлган жойларда бемалол табиат гўзалигидан бахраманд бўлиш мумкин.
- Автомобилда сайёҳат. Паст тоғлар ва тоғолди водийларида яхши фойдаланилса бўлади.
- Қиш фаслида чанғида учиш, чанада учиш, тоғларнинг 800-3000 метргача бўлган жойларида амалга ошириш имконияти бор.

Текислик қисмидаги рекреация ресурсларини кўриб ўтадиган бўлсак, бунда Зарафшон дарёси ва унинг атрофидаги тўқайзорлар, сув омборлари, каналлар, Зарафшон кўрикхонаси ва бошқа бир қанча табиий рекреация объектларини кўришимиз мумкин.

Зарафшон дарёси Зарафшон музлигидан бошланади. Дарёнинг ўрта ва қуйи оқими Ўзбекистонга қарайди. Бу қисмида Зарафшон дарёси кенг ўзанда секин оқади ва Самарқанд шаҳри яқинида икки тармоққа бўлинади. Шимолий тармоғи Оқдарё узунлиги 131 км, жанубий тармоғи Қорадарё. Хатирчи қишлоғи яқинида қўшилиб, Миёнқалъа оролини ҳосил қилди. Бу дарё Самарқанд воҳасини суғоришга сарфланиб, Эски Туятортар ариғи орқали Сангзор водийсига, Эски Анҳор ариғи орқали эса Қашқадарё вилоятига оқизиши туфайли Бухоро воҳасида тугайди. Самарқанд шаҳри ва унинг атрофини кесиб ўтадиган Зарафшон дарёси маҳаллий ва мавсумий сайёҳлар учун жуда қулай, аммо тартибсиз ҳолатда дам олиш туфайли баъзи бир муаммолар келиб чиқишига сабабчи бўлаяпти.

Вилоятда Зарафшон кўрикхонаси бор. Зарафшон кўрикхонаси 1975 йилда тўқай ландшафтларини ва у ердаги ўсимлик ҳамда ҳайвонларни муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган. У Зарафшон водийсининг шарқий қисмида, Булунғур ва Жомбой туманлари ҳудудида жойлашган, майдони 2,5 минг гектар.

Бинобарин, кўрикхона табиат комплексларининг шундай қисмики, унда барча табиий компонентлар инсон томонидан деярли ўзгартирилмаган, яъни табиий ҳолда бўлишлиги билан ажралиб туради. Кўрикхона учун ажратилган ҳудуд мазкур ландшафт учун характерлидир. Унда дарахт ёки буталарни экиш, чўл, ўт, кўзикорин териш, пичан ўриш, мол боқиш қатъиян ман этилади. У ерга сайёҳлар, илмий ходимлар ва бошқа

мутахассислар қўриқхона раҳбарияти томонидан олинган рухсатдан сўнг киришлари мумкин.

Бундан ташқари, қўриқхоналар табиатнинг табиий андозаларидир. Улардаги ўсимлик олами ва ҳайвонлари мазкур минтақа учун тирик бўлади. Қўриқхона атрофида қўшни ҳудудларга ўтиш учун оралиқ минтақа мавжуд бўлиб, унда ҳам ов қилиш таъқиқланади, фақат пичан ўриш, баъзи касал дарахтларни қирқишга рухсат берилади. Жумладан, Зарафшон қўриқхонаси ва ундаги тўқайзорлардаги ўсимликлар дунёси сайёҳларнинг мириқиб дам олиши ва улардан завқланишини таъминлайди. Шундай қилиб, вилоятда жойлашган Зарафшон қўриқхонасини ҳам юқорилардан келиб чиққан ҳолатда, вилоят аҳолиси, мактаб ёшидаги ўқувчилар дам олиш кунлари қўриқхонага келиб, табиатнинг табиий ҳолатини ўз кўзлари билан кўрса, тасаввурга эга бўлади. Иккинчи томондан уларда эстетик маданият табиатга бўлган муносабатнинг шаклланиши учун ижобий самара беради. Қўриқхона атрофида Зарафшон дарёси икки қисмга бўлинган жойда вилоят аҳолиси ва бошқа вилоятлардан ташриф буюрган сайёҳлар учун махсус бассейн ташкил этилган бўлиб, унда чўмилиш, сузиш билан боғлиқ спорт ўйинлари, қолаверса Зарафшон дарёсининг ўнг ва чап irmoғи атрофида сайр қилиш, чўмилиш, куёш ва ҳаво ванналаридан фойдаланиш мумкин. Минтақа аҳолисини мавсумий, яъни айниқса, баҳор фаслида табиатнинг уйғонишини кўриш, кўм-кўк дарё атрофларига оилавий ёки ишчи жамоаси билан дам олишга чиқиб табиат гўзаллигини томоша қилиш мумкин. Масалан, икки дарё оралиғи (Оқдарё, Қорадарё) Миёнқалъани ҳам рекреация ресурсларини ривожлантириш ҳам катта аҳамият касб этади. Бу ерлар асосан Оқдарё ва Иштихон туманлари ҳудудини ўз ичига олади. Жумладан, балиқ овлаш, чўмилиш, оз миқдорда бўлса ҳам сув спорти, қайиқда сузиш, эшакка эшиш мусобақаларини уюштирса бўлади. Вилоятнинг диққатга сазовор жойларини, тарихий ёдгорликларини, обидаларини чет элдан келган сайёҳлар келиб - кўриб завқланиб дам олиб кетади. Аммо табиий рекреация ресурсларига сайёҳларни жалб этишимиз сушт даражада. Маҳаллий сайёҳларни тартибсиз, ҳеч қандай қонун-қоидага бўйсунмасдан ўзлари хоҳлаганига қараб дарё атрофида қисқа муддатли дам олиши натижасида салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Чунончи, дунёнинг ривожланган кўпчилик давлатларида оддийгина бир дарахт шохини кесса ёки бирор - бир ердаги табиат компонентларига салбий муносабатда бўлса, жарима тўланади. Йиллар ўтиши натижасида инсоннинг табиатга таъсири кундан-кунга кучайиб, дарё атрофидаги ландшафтлар шу ҳолатига келиб қолган.

Зарафшон дарёсида жойлашган Каттақўрғон сув омбори ҳам мавсумий, қисқа муддатли рекреация ресурсларини ривожлантириш учун қулайликларга эга. Баҳор, ёз ва куз ойларида сув омбори атрофида чўмилиш, балиқ овлаш, табиатнинг табиий

манзарасини ўз ҳолатида кўриш мумкин. Яна Қорадарёда қурилган Дамхўжа сув омбори ҳам маҳаллий сайёҳларни қисқа муддатли дам олиши учун бу ерда ҳам қулай шароит бор.

Рекреацион объектларда дам олувчиларни физиологик ҳолати жойнинг ҳаво ҳароратига боғлиқ. Е.А.Котляров (1978) маълумотига кўра, кишиларнинг соғлиги учун энг қулай ҳарорат, ўртача суткалик ҳарорати $+10^0$, $+22^0$ атрофида бўлган ҳарорат. Қоратепа тоғлари ва тоғолди текисликларидаги Лангар рекреация объекти Лангарсой ҳавзасида жойлашган. Унинг рекреация омиллари сойнинг ўрта қисмида жойлашган соя-салқин дарахтзорлар, яшил булоқлар, тоза тоғ ҳавоси, сой бўйлаб оқаётган зилол сувлар ва сойнинг чап ёнбағрида жойлашган улкан ҳуркактошдан иборат. Ҳуркактошнинг ҳажми 18 м^3 , оғирлиги 54 тоннага тенг бўлиб салгина куч билан итарганда қимирлайди. Шунинг учун у ҳуркактош, яъни қимирлоқ тош деб аталади. Бу тош гранит тоғ жинслари табиий географик жараёнларининг таъсири натижасида ҳосил бўлган. Бу объектнинг ёқимли табиати баҳор ва иссиқ ёз ойларида рекреантларга соғломлик бағишлайди.

Бундан ташқари, Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги қадимий Равотхўжа сув ариғи, Дарғом канали, Эски туятортар каналларини ҳам сайёҳларга кўрсатиш катта аҳамиятга эга. Бундай жойларни реклама қилиш ва қизиқтириш орқали сайёҳларни кенг жалб қилиш мумкин. Вилоят бўйича текислик қисмидаги рекреация ресурслари ҳам тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги рекреация ресурслари каби мусаффо ҳавоси, табиати, ўсимлик ва ўзига хос ҳайвонот дунёси билан ажралиб туради. Мавсум бўйича баҳор ойларида жуда кўп маҳаллий аҳоли табиат қўйнига чиқади. Текисликларда баҳор ойларида ёғингарчиликнинг кўп бўлиши ўсимлик оламининг барқ ўриб ривожланиши учун қулай, вегетация даврида ҳамма жой ям-яшил бўлиб, тезда вегетация даври тугайди. Воҳаланки, текислик қисмидаги рекреация ресурсларининг барча турлари туманлар ҳудудида бор ва уларда мавсум бўйича аҳоли бориб дам олиб, ҳордиқ чиқариб келиши имконияти мавжуд.

Ўзбекистоннинг текислик, тоғ ва тоғолди геотизимлари ўзига хос рекреация зоналар эканлигини, уларнинг рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги аҳволини, бу ҳудудларнинг бугунги экологик ҳолатини, уларнинг табиий шароитларини рекреация жиҳатидан баҳолашни амалга оширишда қўлланиладиган тамойил ва усулларни аниқлашни талаб қилади.

Туманлар бўйича истироҳат боғлари ва табиий рекреацион ресурслардан фойдаланиш:

Самарқанд вилояти маъмурий ҳудудий бўлиниши жиҳатидан 14 та туман ва Самарқанд шаҳридан ташкил топган: булар Булунғур, Жомбой, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Нуробод, Оқдарё, Пайарик, Пастдарғом, Пахтачи, Самарқанд, Тайлоқ, Ургут,

Қўшработ туманларидан иборат бўлиб, ҳар бир туман ўзига хос табиий рекреация ресурсларига эгаллиги билан ажралиб туради.

Қўшработ тумани - ер юзаси жуда мураккаб тузилишга эга. Туман ҳудудининг катта қисми тоғлардан иборат. Бу тоғлар денгиз сатҳидан 2165 метр баландда жойлашган. Қўшработ туманини ғарбдан Оқтоғ ва Қоратоғ (2003 метр), шимоли-ғарбдан ва шимолдан Нурота тоғ тизмалари ўраб туради. Унинг жануби ва жануби-ғарби пасттекислик ва қирликлардан иборат.

Қўшработ туманининг иқлими ҳар хил бўлиб, бошқа туманлар иқлимидан анча фарқ қилади. Чунки, бу жойларда қиш анча совуқ, январь ойининг ўртача ҳарорати -4° , -6° совуқ бўлиб, қор қопламанинг тоғли қисмида баъзи жойларда 30-40 см.гача қор ёғади. Туманнинг сув ресурслари камбағалдир. Текислик қисмида ер ости сувлари 10-12 метр, баъзи жойларда 20 метргача боради. Фақатгина тоғолди қисмларидан булоқ сувлари чиқади. Сувнинг биров бўлса-да танқис бўлиши рекреация ресурсларини ривожлантиришда унча бой эмас. Чунки рекреация ресурсларининг ичида туман марказидан 4 км жанубда жойлашган «Қўшёғоч қишлоғи»дан чиқувчи шифобахш минераллашган сувнинг аҳамияти катта ва даволаш хусусиятига эга бўлиб, у 1986 йилда топилган эди. Ушбу шифобахш сув бир неча йил қаровсиз, эътиборсиз ётди. Аста-секинлик билан бу сувга қизиқувчилар кўпайиб, кишилар шифо топа бошлади. Шундан сўнг бу сувга эътибор анча кучайди. Сув атрофини ободонлаштириш ишлари бошланди, йўللар қурилди, дарахтлар экилди. Ҳозирги кунда бу сув атрофида 3 қаватли санатория даволаш маркази қурилди. Бу ерга келган маҳаллий сайёҳлар сувни тўғридан-тўғри истеъмол қилиб ва ювиниш орқали шифо топувчилар кундан-кун ортиб бормокда. Айтишларича, бу сув кўпгина тери касалликлари ва ошқозон-ичак касалликлари учун фойдалидир.

Яна шунга ўхшаш рекреацион ресурслардан бири туман марказидаги истироҳат боғи ҳисобланади. Бу ерда пляжни мисол келтиришимиз мумкин. Ҳозирги кунда бу боғ анча қаровсиз ҳолга келиб қолган. Тоғли қисмидаги рекреацион ресурсларга қарайдиган бўлсак, Пангат қишлоғида жойлашган «Пангат» болалар оромгоҳини кўриб ўтишимиз мумкин. Бу оромгоҳ жуда хушманзара жойда жойлашган бўлиб, катта ҳудуди боғ билан ўралган ва оромгоҳнинг ўртасидан сойлик оқиб ўтади. Бу оромгоҳдан юқориқоққа кўтарилсак, Қисмиқсойнинг хушманзара ва чиройли жойларида дам олиш зонаси ташкил қилса бўлади. Ҳозирда бу ерга баҳор ва ёз ойларида кишилар дам олишиб табиатнинг мусаффо ҳавосидан баҳраманд бўлмокда.

Иштихон тумани - маркази Иштихон. Ҳудуди $0,72$ минг км², жами туманнинг табиий шароити ўзига хос табиий рекреация ресурсларига бой ҳисобланиб, қисқа

муддатли дам олиш зоналарини ташкил қилиш имкониятлари етарли. Оқдарё атрофида Тўсинсой, Оқдарё сув омборлари бор. Туман икки дарё атрофида жойлашган, тоғ зонасида ўзига хос табиий манзараларни кўришимиз мумкин. Мавсумий дам олиш учун қулай. Туман чегарасида жойлашган «Дамхўжа» суғориш тугуни (гидроузели) 1978 йилдан Навоий ва Бухоро вилоятларига чучук сув етказиб беради. «Иштихон» сўғдча тилда «саккиз ариқ, саккиз канал» деб талқин қилинади. Туман аҳолиси дам олиш учун Мурод Жўраев номидаги истироҳат боғи боришади. Бу боғ 1970 йилда қурилган, майдони 8,5 гектар. Айниқса, ёз ойларида ҳар куни 150 ва ундан кўпроқ одамлар келиб дам олиб кетишади. Боғ маъмуриятининг яна мавсумий дам олиш имконияти бор жойларига мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш пайтида Меҳнат-Роҳат ширкат хўжалигидаги «Болалар оромгоҳи»ни мисол қилишимиз мумкин. Иштихон туманида жойлашган истироҳат боғи, ёзги дам олиш оромгоҳи, тоғ атрофидаги рекреация ресурсларини ўртача қулайликка эга бўлган рекреация ресурсларига киритсак бўлади. Умуман, марказдаги боғлар эстетик жиҳатдан тозаллиги билан ажралиб туради.

Пайариқ тумани - ҳудуди 1,22 минг км². Тумандан Оқдарё дарёси оқиб ўтганлиги рекреация ресурсларини ривожлантириш учун қулай ҳисобланади. Дарё атрофида мавсумий дам олишга чиқиш мумкин. Туман марказида истироҳат боғи бор. Бу боғда ёз ойларида туман аҳолиси гавжум бўлади. Туманда яна чет эллик сайёҳларни, қолаверса бошқа вилоятлардан келган одамларни қабул қиладиган «Имом ал Бухорий» зиёратгоҳи бор. Бу тарихий аҳамият касб этади.

Жомбой тумани - ҳудуди 0,55 минг км². Туман рекреация ресурсларига бой. Масалан: Зарафшон дарёси атрофидаги тўқайзорларда баҳорда табиатнинг уйғонишини томоша қилиш, балиқ овлаш, дарёда чўмилиш, қайиқда сузиш, эшакка эшиш ва бошқа бир қанча спорт мусобақаларини уюштириш имконияти кўп. Зарафшон кўриқхонаси ҳам туман ҳудудининг Булунғур тумани билан чегарадош жойида жойлашган. Ушбу ҳудудларда рекреация ресурсларини ривожлантириш имкониятларини ривожлантириш, яъни Зарафшон кўриқхонаси ва Зарафшон дарёси бўйларида рекреация мақсадида фойдаланиш имкониятлари жуда кўп. Бу жойларга нафақат туман аҳолиси, балки қўшни туманлар, Самарқанд шаҳри аҳолиси ҳам келиб, қисқа муддатли дам олиб, ҳордиғини чиқариб кетиши мумкин. Демак, туманда рекреация ресурсларини янада ривожлантириш учун ишлар олиб бориш керак.

Оқдарё тумани - ҳудуди 0,37 минг км². Туман икки дарё атрофида, яъни Миёнқалъа оролида жойлашган. Дарё атрофлари туман аҳолисининг мавсумий дам олиши учун яхши табиий шароитга эга, аммо Қорадарё атрофи Оқдарё дарёсига нисбатан тўқайзорлари камайиб кетган, бунинг асосий сабаби маҳаллий аҳолининг дарё қайирларигача бўлган

жойларгача ҳар хил турдаги экинларни экиб боришларидир. Туман марказида «Камолот» истироҳат боғи бор. Бу боғда мавсум бўйича ҳар куни айникса, дам олиш кунлари 100-50 та одам келиб дам олиб кетади. Туманда жойлашган тарихий ва диний аҳамиятга эга бўлан зиёратгоҳ «Маҳдуми Аъзам Даҳбедий» бўлиб, у нафақат Самарқанд вилояти, балки қўшни вилоятлар аҳолисини, чет эллик сайёҳларни қабул қиладиган маданий-тарихий рекреация масканга эга. Аҳамиятли томони бу зиёратгоҳ Самарқанд вилоятининг бир нечта туманларини бир-бири билан боғлайдиган автомобиль йўли ёқасида жойлашганлигидир.

Пастдарғом тумани - ҳудуди 0,87 минг км². Туманнинг шимолий қисмидан Қорадарё дарёси оқиб ўтади. Қорадарё дарёсининг қирғоқларида дам оладиган жойлар анчагина. Бу ерларда чўмилиш учун жойлар, манзарали дарахтлар кўп. Соя-салқин жойларда одамлар дам олиш кунларида дам олади ва каналларда балиқ тутиш имконияти бор.

Туманда болалар оромгоҳи мавжуд бўлиб, бу оромгоҳда болалар мавсумий дам олиб ҳордиқ чиқаради. Кўплаб ширин-шакар мевалар етиштирувчи боғлар ҳам кўп бўлиб бу ерларда одамлар дам олиб ҳордиқ чиқариши мумкин. Жануби ва жануби-ғарбий томондан Нуробод тумани билан чегарадош бўлганлиги туфайли кўплаб қирлар мавжуд, бу қирлар баҳор ойлари кўм-кўк ўтлоқлар ва қип-қизил қизғалдоқлар билан қопланади. Мавсумий дам олиш имконияти юқори.

Туманнинг тарихий жойларига Қорадарё дарё қирғоғида жойлашган «Ошиқ ота» зиёратгоҳи ҳисобланади. Бу жойга одамлар Ҳайт байрамида ва бошқа кунларда тез-тез зиёратга келиб туради. Туманда келажакда рекреацион масканларни кўпайтириш учун шарт-шароитлар бор ҳамда уларнинг ривожлантириш учун Давлат дастури ишлаб чиқилмоқда.

Каттақўрғон тумани – ҳудуди 1,47 минг км². Туман вилоятнинг бошқа туманларига нисбатан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича олдинда турувчи туманлардан бири ҳисобланади. Туманни рекреация ресурслари билан таъминланганлик даражаси ўртача. Каттақўрғон сув омбори мавсумий дам олиш учун келиб балиқ овлаш, чўмилиш, қайиқда сузиш, эшак эшиш каби спорт мусобақалари учун бошқа туманлардаги аҳолиларни ҳам ўзига жалб қилиб келмоқда. Баҳор ойларида Нуробод тумани чегарасигача бўлган ерлар кўм-кўк бўлиб маҳаллий аҳоли ўша ерларда дам олишга чиқишади.

Туман марказида замон талабларига жавоб бера оладиган «Ёшлик истироҳат боғи» жойлашган. Бу боғда Иштихон, Нуробод туманларидаги аҳолининг қисқа муддатли дам олишлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Булунгур тумани - ҳудуди 0,79 минг км². Рекреация ресурсларини ривожлантириш катта амалий аҳамият касб этади. Туманнинг шимолий қисмида Ғўбдин тоғлари (1672 метр), жанубий томонида Зарафшон кўриқхонаси бор. Баҳор ойларида текислик, қир - адир атрофлари мавсумий дам олувчиларни ўзига жалб этади.

Тайлоқ тумани - ҳудуди 0,28 минг км² бўлиб, туманнинг шимолий қисмидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Қисқа муддатли рекреация ресурсларини ривожлантириш ўртача даражада. Туман марказида истироҳат боғи бор. Бошқа туманлар аҳолисига нисбатан бу боғга мавсум бўйича камроқ одам боради. Сабаби, Самарқанд шаҳри яқин бўлганлиги учун шаҳардаги табиий ва тарихий-маданий рекреация ресурсларига кўпроқ келишади.

Нуробод тумани - ҳудуди 4,79 минг км². Туманнинг рекреация ресурсларига туман марказида Нагорная санаторияси жойлашган бўлиб, у бутун Самарқанд аҳолисини ҳамда бошқа вилоятдан келганларни қабул қилади. Тумандаги Ҳазрати Довуд зиёратгоҳининг рекреация ресурсларини ривожлантиришдаги аҳамияти жуда катта. Бу ердаги ғор, унинг паст томонидаги тоғ манзаралари шу ерга келган маҳаллий сайёҳларни қисқа муддатли дам олишлари учун жуда қулай. Бундай жойларни сайёҳлик маршрутларига киритишимиз керак. Масалан, бу диний зиёратгоҳга ҳар куни ўртача ҳисоблаганда 13-10 минг киши баҳор ва ёз ойларида келиб кетар экан.

Нарпай тумани маркази - Октош шаҳри. Туман марказида истироҳат боғи бор. Мавсумий дам олиш учун баҳор ойларида қирларда, текисликларда қисқа муддатли дам олиш учун қулай шароитлар бор. Туман маркази яқинида Окдарё дарёси оқиб ўтади. Бу дарёнинг атрофида рекреация ресурсларини ривожлантириш учун керакли чора-тадбирларни тадқиқ этишимиз лозим. Дарё атрофида чўмилиш, балиқ овлаш, турли хил спорт ўйнларини уюштириш мумкин. Туманда мавсум бўйича ишлайдиган болалар оромгоҳи фаолият кўрсатмоқда. Бинобарин, туманда текислик рекреация ресурсларини ҳамда сайёҳлик йўналишларини аниқлаш, тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, дам олиш масканларини ўрганиш, бу ерга маҳаллий сайёҳлардан ташқари чет эллик сайёҳларни ҳам табиатнинг гўзал жойларига жалб этиш имконияти мавжуд. Бунинг учун турли хил реклама ва қизиқарли расмлар чиқариш, табиатнинг табиий манзараларини акс эттириш керак. Бу эса катта иқтисодий самара бера олади.

Пахтачи тумани маркази - Зиёвуддин шаҳарчаси. Туманда ўртача қўлайликка эга бўлган рекреация ресурсларини ривожлантириш имконияти бор. Бунинг учун ҳар томонлама комплекс ўрганиш лозим. Шундагина рекреация ресурсларидан фойдаланиш имконияти яхши натижа беради.

Самарқанд тумани маркази - Гулобод шаҳарчаси. Тумандаги тарихий зиёратгоҳлар ва мевали боғ майдонлари жуда кўпдир. Шу сабабли баҳор ойларида меваларнинг гуллаб ётган даври ва ёз, куз ойларида меваларнинг пишиб етилган даври эса инсонлар кўнглига завқ бағишлайди. Шунинг учун маҳаллий сайёҳлар билан биргаликда чет эллик сайёҳларни гўзал хушманзарали жойларга жалб этишимиз лозим.

Ургут тумани маркази - Ургут шаҳри. Ургут Самарқанд вилоятидаги энг равожланган шаҳарлардан бири бўлиб, инсоният цивилизацияси тараққиётига муҳим ҳисса қўшган. Маданий тарихий обидалар жумладан, Ургут шаҳри ва унинг атрофидаги меъморий обидалар асрлар давомида шаклланди (Ургут чинорлари ва тарихий мақбаралар).

Ургут туманининг жанубий қисми асосан тоғликлардан иборат бўлиб, чиройли манзарали жойлардан ташкил топган. Бу жойлар асрлар давомида тараққий этиб келмоқда. Ҳозирги вақтга келиб бу жойдаги табиат манзаралари, табиий - тарихий ёдгорликлари, Ургут чинорлари, шифобахш булоқ сувлари сайёҳларни ҳамиша ўзига жалб қилиб келмоқда. Ургут туманидаги мавжуд барча табиат манзаралари асосан тоғолди ва тоғ оралиғида жойлашган. Бу жойларда табиат манзаралари кенг майдонларни эгаллаган. Шу сабабли бу жойларда туристик базалар ва дам олиш оромгоҳлари барпо этилган. Самарқанд вилоятининг аҳолиси ва қўшни вилоятлардаги аҳолини ҳамиша ўзига чорлаб келган. Ургут туманининг Севасой ҳудудида барпо этилган СамДУ соғломлаштириш оромгоҳи ўзига бир қанча талабаларни чорлаб келмоқда. Бундан ташқари Омонқўтон - Ургут ва бошқа оромгоҳлар ишлаб турибди. Ургут тумани тоғларида бир қанча булоқ сувлари сайёҳларни ўзига чорлаб келган. Чунки, ушбу булоқлар таркибида бир қанча минераллар мавжуд.

Қоратепа тоғларида кўркам ва хушманзарали жойлар ва туристик объектлар жуда кўп. Тоза шифобахш термик ресурсларнинг катталиги ва ажойиб ҳароратга эга бўлган иссиқ кунларининг кўплиги рекреация туристик объектларнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Шундай қилиб, Ургут туманида бошқа туманларга нисбатан рекреация ресурслари яхши ривожланган. Бу ерларда мавсумий сайёҳлик яхши ташкил этилган. Сайёҳликнинг асосий масканларидан ҳисобланади.

Тоғ ва тоғ олди минтақалари хилма - хил рекреация объектларининг бойлиги билан ажралиб туради. Вилоятнинг рекреация комплексига: рекреацион табиий ресурслар, тарихий-этнографик ва маданий ёдгорликлар, архитектура ва тарихий ёдгорликлар, туман марказлари ва қишлоқлар, текислик қисмидаги сув омборлари ва кўриқхоналар, тоғ ва тоғолди ҳудудларининг рекреация ландшафт комплекслари, дам олиш жойлари, булоқлар, ғорлар ва бошқа рекреация объектлари киради.

III. БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. Самарқанд вилоятининг рекреация-туристик имкониятлари

Самарқанд шаҳри Ўзбекистонда иккинчи йирик шаҳар ҳисобланади. Шаҳар асрлар давомида **Буюк Ипак йўлининг** йирик савдо маркази сифатида тилга олинган. XIV ва XV асрлар давомида бу шаҳар темурийлар салтанатининг пойтахти вазифасини ўтаган ва ўша даврларда йирик илм-фан, маданият марказига айланган. Ҳозирги вақтда эса Самарқанд вилояти ўзининг табиий шароити, ер усти тузилиши, рельефи, жануб ва шимол ҳамда шимоли-шарқ томонлари тоғликлардан иборатлиги туристик-рекреация имкониятларини ривожлантиришда аҳамияти бекиёсдир. Бу борада туризм ва рекреация ресурслари талабларига жавоб берадиган замонавий маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, меҳмонхона ва дам олиш уйлари, санатория, савдо, ресторан ва бошқа объектларни қуриш муҳим аҳамият касб этади. Бундай объектларни барпо этишда ҳудуднинг табиий ва рекреация ресурсларини баҳолаш зарур.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Чақилкалон, Омонқўтон, Қоратепа тоғларининг энг характерли хусусияти шундан иборатки, унинг табиий шароити, гидрологик ресурслари, иқлим ва ўсимлик дунёсининг ўзига хослиги кўплаб дам олиш зоналари ва оромгоҳлар қуришга қулай шароит яратади. Минтақа ҳудудларининг ер усти тузилиши, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда жойлаштириш учун анча қулай масканлардан бири саналади. Ушбу имкониятларни эътиборга олган ҳолда вилоятда туристик базалар, меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, тоғ этақларида сунъий ўрмонзорлар барпо этиш, сайёҳларга манзарали ўрмонлар ва табиат ландшафтларини кўрсатиш минтақада тегишли инфратузилмаларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра вилоят аҳолиси 3514,8 минг кишини ташкил этади. Рекреация объектларининг кўпайиб бораётганлигига қарамай, улар аҳолини дам олишга бўлган эҳтиёжини тўла қондира олади, деб бўлмайди. Дарвоқе, оммавий дам олишга шароитини мукамал қондириш учун эндиликда экомарказлар, санаториялар ва истироҳат боғларининг ўзгинаси қифоя қилмайди. Чунки, Самарқанд вилоятида аҳолининг дам олиш ва даволаниш эҳтиёжини ҳисобга олиб санаториялар инфратузилмасини шакллантириш лозим.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов томонидан 2015 йил «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинганлиги соғломлаштириш ва даволаниш масканларини ижтимоий

географик жихатдан ўрганиш асосида ҳудудларни рекреация ва туристик ресурсларидан соғлиқни тиклаш мақсадида фойдаланиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Сабаби, рекреацион-туристик ресурслар салоҳиятини аниқлаш, унинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда дам олиш ва сайёҳлик инфратузилмасини шакллантириш, соғломлаштиришда туристик маршрутлар схемасини аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун соф эколандшафт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда соғломлаштириш ва даволаниш туризми, тоғ, спелиотуризм, хуллас экотуризмни ташкил этишнинг илмий-амалий тавсиялари ва туристик маршрутлар йўналишларини ишлаб чиқиш зурур.

Ҳозирги кунда вилоят аҳолисининг дам олиши ва соғлиғини тиклаш мақсадида Омонқўтон-Оҳалик дам олиш зонаси, Миёнқалъа ороли, Каттақўрғон ва Қоратепа сув омбори, Лангарсой ҳавзаси ва Равотхўжа сув тақсимлаш иншоотларига қисқа муддатли ва мавсумий дам олиш маршрутларини амалга ошириш мумкин.

Бинобарин, вилоятнинг тоғ ва тоғ олди минтақалари хилма-хил рекреация ва туристик объектларга бойлиги билан ажралиб туради. Айниқса, вилоятнинг Ургут, Нуробод, Каттақўрғон, Қўшработ туманларининг рекреация объектлари алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу туманларда, энг аввало, иссиқ сувда даволайдиган (Абу Али ибн Сино), тоғли ҳудудлардаги сой ва булоқ сувларининг шифобахшлиги (Ургут, Нуробод, Қўшработ), сув омборларида сузиш, чўмилиш, балиқ овлаш (Каттақўрғон, Қоратепа), табиатнинг гўзал табиий ландшафтларини кенг тарқалганлигини кўрамиз. Тоғ ва тоғ олди ландшафтларида табиатнинг ноёб ёдгорликлари, яъни қоя тошлар, тоғ чўққилари, ҳар хил жониворларнинг тошдаги шакллари, ғорлар ҳамда тоғ ёнбағридаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам дам олиш, туристик салоҳиятни юксалтиришга қулай шароит яратади. Аммо, бундай жойлардаги объектлардан рекреация ва туристик мақсадда фойдаланиш суст даражада амалга оширилмоқда. Ушбу соҳа бўйича Самарқанд вилоятида 2015 йилга қадар туризмни янада ривожлантириш, туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларини кенгайтиришга қаратилган дастур асосида ишлар олиб борилмоқда. 140 та туристик фирма ва ташкилотлар, қарийиб тўрт минг ўринли 78 та меҳмонхона сайёҳларга юқори сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, 89 минг 600 нафар туристлар дунёдаги машҳур Самарқанднинг бетакрор тарихий обидалари, гўзал табиатидан баҳраманд бўлдилар. Сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш, уларга халқимизнинг ўзига хос анъана ва қадриятларини кўрсатиш мақсадида кейинги йилларда турли кўргазмалар ташкил этилмоқда.

3.2. Самарқанд вилоятининг мавсумий дам олиш, соғломлаштириш ва туристик масканларини карталаштириш

Рекреация соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда туризм талабларига жавоб берадиган замонавий маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, меҳмонхона ва дам олиш уйлари, санатория, савдо, ресторан ва бошқа объектларни қуриш муҳим аҳамият касб этади. Бундай объектларни барпо этишда ҳудуднинг табиий ва рекреация ресурсларини баҳолаш, шунингдек, харидлар тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Инсонлар дам олиш ва соғлигини тиклаш жараёнида табиат билан маълум даражада муносабатда бўлишни ҳамда ер юзининг бир-бирига ўхшаш бўлмаган жойларини бориб кўришни хоҳлашади. Сайёҳлар асосан табиат қўйнида дам олиш, чўмилиш, пиёда юриш, тоғ ва чўққиларга чиқиш, табиат ёдгорликларини томоша қилиш, ов ва спорт билан шуғулланишга ҳаракат қилишади. Ушбу имкониятлардан фойдаланган ҳолда Самарқанд вилояти туманларида дам олиш, соғломлаштириш масканларини йирик ва ўрта масштабда карталаштириш ҳамда уларнинг ривожланишининг кўпгина муаммоларини ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ этишда қулай шароит яратади. Бундай объектларни барпо этишда ҳудуднинг рекреация ресурсларини баҳолаш, шунингдек, харидлар тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Жумладан, вилоятдаги дам олиш ва соғломлаштириш масканларининг миллий иқтисодиётдаги ўрнини ҳамда унинг ўзига хос жиҳатларини асослаб бериш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Самарқанд вилоятида соғломлаштириш ва дам олиш масканларини ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш, минтақани рекреация-туристик жиҳатдан районлаштириш ва рекреация-туристик маршрутларни аниқлаш ҳамда илмий асосда амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бўйича устувор йўналишларни белгилаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Вилоятдаги дам олиш ва соғломлаштириш ҳамда рекреация-туристик объектларини ўрганиш, баҳолаш, рекреацион-туристик ресурсларни янада ривожлантириш ҳамда ҳудудий ташкил этишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва уларни шакллантиришнинг назарий-амалий асосларини яратиш, туманлар кесимида сайёҳлик-рекреацион карта ва маршрутлар йўналишларини ишлаб чиқиш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди, дейиш мумкин. Бинобарин, вилоятда соғломлаштириш ва дам олиш масканларини ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун мавжуд имкониятларни таҳлил қилиш, рекреацион-сайёҳлик маршрутларнинг схемасини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бугунги ижтимоий-иқтисодий

шароитда соғломлаштириш, даволаниш ва миллий сайёҳликни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш учун илмий-амалий тавсиялар, хулосалар, истиқболли рекреация-туристик маршрутлар ва рекреацион карталар ишлаб чиқиш тармоқ олдида турган муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Карта-схема



Карта-схема муаллиф томонидан чизилган.

3.3. Самарқанд вилоятида туристик-рекреация ресурсларини ривожлантириш истиқболлари

Самарқанд шаҳри Ўзбекистонда иккинчи йирик шаҳар ҳисобланади. Шаҳар асрлар давомида **Буюк Ипак йўлининг** йирик савдо маркази сифатида тилга олинган. XIV ва XV асрлар давомида бу шаҳар темурийлар салтанатининг пойтахти вазифасини ўтаган ва ўша даврларда йирик илм-фан, маданият марказига айланган. Ҳозирги вақтда эса Самарқанд вилояти ўзининг табиий шароити, ер усти тузилиши, рельефи, жануб ва шимол ҳамда шимоли-шарқ томонлари тоғликлардан иборатлиги туристик-рекреация имкониятларини ривожлантиришда аҳамияти бекиёсдир. Бу борада туризм ва рекреация ресурслари талабларига жавоб берадиган замонавий маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, меҳмонхона ва дам олиш уйлари,

санатория, савдо, ресторан ва бошқа объектларни қуриш муҳим аҳамият касб этади. Бундай объектларни барпо этишда ҳудуднинг табиий ва рекреация ресурсларини баҳолаш зарур.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Чақилкалон, Омонқўтон, Қоратепа тоғларининг энг характерли хусусияти шундан иборатки, унинг табиий шароити, гидрологик ресурслари, иқлим ва ўсимлик дунёсининг ўзига хослиги кўплаб дам олиш зоналари ва оромгоҳлар қуришга қулай шароит яратади. Минтақа ҳудудларининг ер усти тузилиши, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда жойлаштириш учун анча қулай масканлардан бири саналади. Ушбу имкониятларни эътиборга олган ҳолда вилоятда туристик базалар, меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, тоғ этакларида сунъий ўрмонзорлар барпо этиш, сайёҳларга манзарали ўрмонлар ва табиат ландшафтларини кўрсатиш минтақада тегишли инфратузилма ва махсус карта-схемалар ишлаб чиқишни тақозо қилади (карта схема). Айниқса, вилоят туманларидаги дам олиш, соғломлаштириш масканларини йирик ва ўрта масштабда карталаштириш ҳамда уларни ривожланишининг кўпгина муаммоларини ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим вазифалардан биридир. Жумладан, вилоятда мавжуд туристик, дам олиш ва соғломлаштириш объектларни ўрганиш, баҳолаш уларни янада ривожлантириш ҳамда ҳудудий ташкил этишнинг илмий асосларини яратиб беради. 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра вилоят аҳолиси 3514,8 минг кишини ташкил этади. Рекреация объектларининг кўпайиб бораётганлигига қарамай, улар аҳолини дам олишга бўлган эҳтиёжини тўла қондира олади, деб бўлмайди. Дарвоқе, оммавий дам олишга шароитини мукамал қондириш учун эндиликда экомарказлар, санаториялар ва истироҳат боғларининг ўзгинаси қифоя қилмайди. Чунки, Самарқанд вилоятида аҳолининг дам олиш ва даволаниш эҳтиёжини ҳисобга олиб санаториялар инфратузилмасини шакллантириш лозим.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов томонидан 2015 йил «Кексаларни эъзозлаш йили» деб эълон қилинганлиги соғломлаштириш ва даволаниш масканларини ижтимоий географик жиҳатдан ўрганиш асосида ҳудудларни рекреация ва туристик ресурсларидан соғлиқни тиклаш мақсадида фойдаланиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Чунки, рекреацион-туристик ресурслар салоҳиятини аниқлаш, унинг ҳудудий тузилмасини такомиллаштириш ҳамда дам олиш ва сайёҳлик инфратузилмасини шакллантириш, соғломлаштиришда туристик маршрутлар схемасини аниқлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун соф эколандшафт имкониятларидан келиб чиққан ҳолда соғломлаштириш ва даволаниш туризми, тоғ, спелиотуризм, хуллас экотуризмни ташкил

этишнинг илмий-амалий тавсиялари ва туристик маршрутлар йўналишларини ишлаб чиқиш зурур.

Ушбу соҳа бўйича Самарқанд вилоятида 2015 йилга қадар туризмни янада ривожлантириш, туристик хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва йўналишларини кенгайтиришга қаратилган дастур асосида ишлар олиб борилмоқда. 140 та туристик фирма ва ташкилотлар, қарийб тўрт минг ўринли 78 та меҳмонхона сайёҳларга юқори сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, 89 минг 600 нафар туристлар дунёдаги машҳур Самарқанднинг бетакрор тарихий обидалари, гўзал табиатидан баҳраманд бўлдилар. Сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш, уларга халқимизнинг ўзига хос анъана ва қадриятларини кўрсатиш мақсадида кейинги йилларда “Самарқанд нонлари”, “Шарқ ширинликлари”, “Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари” каби кўргазмалар ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари И.Каримов томонидан 2016 йил «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинганлиги соғломлаштириш ва даволаниш масканларини ижтимоий географик жиҳатдан ўрганиш асосида ҳудудларнинг рекреация ва туристик ресурсларидан соғлиқни тиклаш мақсадида фойдаланиш ва маънавий етук баркамол авлодни тарбиялашда асосий вазифа ҳисобланди. Бу борада Самарқанд вилояти туманларида соғломлаштириш ва дам олиш объектларининг салоҳиятини шакллантириш асосида янги иш ўринлари барпо этиш, эркин рекреацион-туристик рақобатни яратиш, чет эллик ва маҳаллий сайёҳларнинг даволаниш-туристик соатини, яъни дам олиш вақтини узайтириш ва мароқли дам олиши учун рекреация-туристик маркетинги, геожуфтлик ишларига илмий жиҳатдан асосланиб турли масштабдаги рекреацион-сайёҳлик карталарини ишлаб чиқиш лозим.

Айниқса, вилоят туманларидаги дам олиш, соғломлаштириш масканларини йирик ва ўрта масштабда карталаштириш ҳамда уларни ривожланишининг кўпгина муаммоларини ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатдан тадқиқ этиш муҳим вазифалардан биридир (карта-схема). Жумладан, вилоятда мавжуд туристик, дам олиш ва соғломлаштириш объектларни ўрганиш, баҳолаш, уларни янада ривожлантириш ҳамда ҳудудий ташкил этишнинг илмий асосларини яратиш беради.

Самарқанд вилоятида аҳолининг дам олиш ва даволаниш эҳтиёжини ҳисобга олиб санаториялар инфратузилмасини шакллантириш лозим. Қолаверса, уни тараққий эттиришга етарли шарт-шароит мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда турли масштабдаги рекреацион карталарни яратиш республика иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади ҳамда аҳолининг рекреация маданиятини оширишга ҳар томонлама ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Самарқанд вилоятида рекреация-туристик ресурслардан фойдаланиш билан бир қаторда аҳолини дам олишга бўлган

эҳтиёжини эътиборга олиб, минтақа ҳудудларида сайёҳлик, дам олиш ва санаториялар инфратузилмасини ривожлантириш лозим. Қолаверса, уни тараққий эттиришга етарли шарт-шароит мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, рекреация-туристик ресурсларнинг барча турларини йўлга қўйиш орқали аҳолининг жисмоний, маънавий соғлом бўлишига, ижтимоий аҳволни яхшилашга эришиш мумкин.

ХУЛОСА

Рекреация ресурсларини халқ хўжалигида ривожлантириш, ижтимоий- иқтисодий талабларга жавоб берадиган замонавий маиший хизмат кўрсатиш соҳаларни шакллантириш, янги иш ўринларни ташкил қилиш, замон талабига жавоб берадиган даволаниш ва дам олиш уйлари, савдо, ресторанлар ва бошқа объектларни қуриш Самарқанд вилоятининг рекреация-туристик салоҳиятини юксалтиришда қулай ижтимоий шароит яратади. Бундай объектларни барпо этишда ҳудудларнинг рекреация ресурсларини иқтисодий ва ижтимоий баҳолаш ва имкониятларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Ушбу имкониятларни эътиборга олган ҳолда минтақаларда кемпинглар, туристик базалар, меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, хизмат кўрсатиш соҳалари, тоғ этакларида сунъий ўрмонзорлар барпо этиш, сайёҳларга манзарали ўрмонлар ва табиат манзараларини кўрсатиш учун қулай шароитлар яратиш, манзарали жойларга сайр қилишда махсус карта- схемалар ва буклетлар ишлаб чиқишни тақозо этади. Бинобарин, Самарқанд вилоятининг дам олиш, соғломлаштириш ва туристик масканларини карталаштириш ва маршрутлар схемасини ишлаб чиқиш лозим. Уларнинг ривожланишининг кўпгина муаммолари ижтимоий-иқтисодий ҳамда географик жиҳатдан тадқиқ этишга мўлжалланган. Хусусан, вилоятда даволаниш ва сайёҳлик соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, ушбу ишда қуйидаги муаммолар ўз ечимини топиши лозим:

- дам олиш, соғломлаштириш ва туристик масканларни миллий иқтисодиётдаги ўрни ҳамда унинг ўзига хос жиҳатларини асослаб бериш;
- рекреацияни иқтисодий ва ижтимоий географиянинг ўзига хос йўналишлари сифатида ўрганиш;
- Самарқанд вилоятида соғломлаштириш ва дам олиш масканларини ташкил этиш ва уни ривожлантириш учун мавжуд имкониятлар баҳолаш;
- Минтақа ҳудудларинг рекреация-туристик жиҳатдан районлаштириш ва рекреация-туристик маршрутлар схемасини аниқлаш;
- Экотуристик мажмуалари имкониятлари тўлалигича фойдаланиш;
- Самарқанд вилояти туманларининг дам олиш, соғломлаштириш масканларини карталаштириш ҳамда уларни илмий асосда ечиш бўйича устувор йўналишлар белгилаш ва ҳ.к.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Самарқанд вилоятида дам олиш-соғломлаштириш масканларини ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш учун қуйидаги муаммоларни ўрганиш лозимдир:

- Соғломлаштириш ва дам олиш масканлари, миллий анъаналарни намоён этувчи маҳалла ва чойхоналар ҳамда қадимий меъморчилик усуллари сақланиб қолган уйларни аниқлаш ва сайёҳлик маршрутларга киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Самарқанд вилояти туманларида, дам олиш масканларида сайёҳларни дам олиш ва сайр қилишни ташкил этиш, халқ амалий санъати, халқ оғзаки ижоди, миллий урф-одатлар, маросимларни рекреант ва сайёҳларга намойиш этишни ташкил этишнинг ноанъанавий усулларини ишлаб чиқиш;

- Вилоятнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларининг рекреация имкониятлари ҳамда сайёҳлик йўналишларини аниқлаш, туманлардаги соғломлаштириш масканлари, тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, дам олиш масканларини ўрганиш;

- Самарқанд вилоятидаги мавжуд даволаниш ва туристик объектларни реклама қилиш, жумладан, уларнинг ривожланган, айниқса, Европа ва Осиё давлатларида рекламасини ташкил этиш;

- Самарқанд вилоятининг дам олиш ва соғломлаштириш масканлари ва туристик ресурсларини карталаштириш ва уларни илмий асосда ечиш бўйича устувор йўналишларни белгилаш ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, таракқиёт кафолатлари. -Тошкент, 1997, -326 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Абдужаборов М.А. Карст гор Южного Узбекистана (анализ природных факторов формирования). -Тошкент: “Фан”, 1990. -112 с.
4. Асанов Г.Р. Социал-иқтисодий география, термин ва тушунчалар изоҳли луғати.- Т.: Ўқитувчи, 1990. - 248 б.
5. Бадалов Ў.Б. Рекреация ресурсларидан фойдаланишнинг баъзи масалалари. Табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг география асослари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Наманган, 2010, 203-204 б.
6. Бадалов Ў.Б. Ўзбекистонда рекреация ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари. СамДУ, илмий тўплами. 2011.
7. Бадалов Ў., Эшимова Х., Махмудова Г. Ўрта Зарафшоннинг рекреация-туристик имкониятлари. //Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий конференцияси. -Самарқанд, 2013, 95-96 б.
8. Бадалов Ў., Махмудова Г. Самарқанд вилоятининг рекреацион-туристик маршрутлар схемасини ишлаб чиқиш масалалари. //Геодезия, картография ва кадастр соҳаларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Самарқанд, 2014 й, 62-63 бетлар.
9. Вахобов Х. Рекреация географияси. Тошкент, 2010.
10. Ердавлетов С.Р География туризма: история, теория, методы, практика - Алматы. 2000 - 336 с.
11. Журнал «Отдохни», № 43,45,49/ 2001, Изд. «Бурда»
12. Журнал «Отдых и путешествия», № 19/ 2001.
13. Переображенский В.С. Теоретические основы рекреационной географии -М., «Наука» 1975.
14. Исмоилов О.Ш. Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари. - Тошкент, 2007.
15. Котляров Е.А. География отдыха и туризма. -М.: «Мысль». 1978. - 237 с.
16. Мамажонов Р. Самарқанд вилояти ўқув-ўлкашунослик атласини яратиш – замон талаби. Самарқанд. 2003, 51-54 б.
17. Маматқулов М. Ўрта Осиё ғорлари. –Тошкент: “Меҳнат”, 1991. -102 б.

18. Мироненко Н.С., Твердохлебов И.Т. Рекреационная география. Изд. Московского Университета 1981.
19. Мироненко Н.С., Твердохлебов И.Т. Рекреационная география. - М.: 1981. - 207с.
20. Комилова Ф. Халқаро туризм бозори. -Т.: TDIU, 2001. - 64 б.
21. Низамиев А.Г. Рекреационный комплекс Кыргызстана: реалии и перспективы. - Бишкек, Илим, 1998. - 136 с.
22. Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. - Самарқанд, Сам ИСИ, 2006. -137 б.
23. Солиев А.С., Усмонов М.Р. Туризм географияси (Самарқанд вилояти мисолида). - Самарқанд, СамДУ: 2005. -131 б.
24. Солиев А. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг географик асослари //Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 35-жилд. - Т.: 2010, 3-6 б.
25. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. -Тошкент, 2010 - 333 б.
26. Усмонов М.Р., Бадалов Ў.Б. Рекреация ва туризм географиясининг умумий ва хусусий жиҳатлари. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларнинг республика илмий-амалий конференция материаллари. -Т., 2011.
27. Qoraboev J., Mirzaliev T. Milliy atlaslarning maqsadi, mazmuni va ulardagi kartalarga qo'yiladigan talablar //Janubiy O'zbekistonda geografiya maktabining shakllanishi va rivojlanishi. Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. -Termiz, 2006, -194 b.
28. Ўзбекистон географик атласи, -Тошкент, 1999, -55 б.
29. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби: 2-жилди. Ж.1. Ўсимликлар.// У.П.Пратов таҳрири остида. -Тошкент, 1998, 336 б.
30. Qayumov A.,Rasulov M., Umarov S., Yakubov O'.Tabiatdan foydalanish iqtisodiyoti. -Т.: 2005, 74-75 b.
31. Хошимов М.А. Религиозные памятники Центральной Азии. - Алматы. САГА, 2001-237 с.

МУНДАРИЖА

	Бетлар
Кириш	3
I Боб. Рекреация географиясининг назарий асослари	
1.1. Рекреация географиясининг объекти ва предмети, унинг иқтисодий ва ижтимоий география фанида тутган ўрни.....	5
1.2. Рекреация ва туризм географиясининг умумий ҳамда хусусий жиҳатлари.....	11
1.3. Ўзбекистонда туристик имкониятлардан фойдаланишнинг географик хусусиятлари.....	17
II Боб. Самарқанд вилоятини рекреация ресурслари ва улардан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолати	
2.1. Вилоят табиий шароитини рекреация нуқтаи назардан баҳолаш.....	23
2.2. Самарқанд вилояти рекреацион ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари.....	29
2.3. Самарқанд вилоятини рекреация объектларидан фойдаланиш ҳолати.....	32
III Боб. Самарқанд вилоятининг рекреация ресурсларидан самарали фойдаланиш истиқболлари	
3.1. Вилоятининг рекреация-туристик имкониятлари.....	48
3.2. Самарқанд вилоятининг мавсумий дам олиш, соғломлаштириш ва туристик масканларини карталаштириш.....	50
3.3. Самарқанд вилоятида туристик-рекреация ресурсларини ривожлантириши истиқболлари.....	51
Хулоса	55
Адабиётлар рўйхати	57



Х.Н.Назаров

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ
РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИ ВА
УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ
ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

Самарқанд – 2016

